O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 14 НОЯБР чоршанба № 46 (250) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

*Огоҳликка даъват!*

## ВАТАНГА ХИЁНАТ

### у қайси турда, ким томонидан содир этилмасин, кечирилмасдир

Инсоннинг ахлоқий сифатлари унинг маънавий қиёфасини белгилайди. Ахлоқий етуклик маънавий комиллик белгисидир. Шу боисдан ҳам барча илоҳий китоблар ҳамда инсоният томонидан яратилган жамики маънавий мерос инсонни ахлоқан камол топтиришга қаратилган. Инсонни "коинот гултожи" даражасига кўтарган ҳам, "тубанлик ичра танҳо" аҳволга туширган ҳам унинг ахлоқидир. Давлат ва жамиятга равнақ бағишлай диган ҳам, таназзулга етаклайдиган, ҳалокату фалокатга дучор этадиган ҳам одамларнинг маънавий-ахлоқий даражасидир. Ахлоқий етуклик маънавий камолат белгиси экан, ахлоқсизлик — маънавиятсизликдир. Жамики жиноятқорликнинг манбаи ҳам мана шу иллатдир.

Дунёнинг тинчлигини бузиш, фитна қўзғаш, айниқса, ўзи туғилиб ўсган юртга иснод келтириш бориб турган ахлоқсизликдир. Президент Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқида бундай баттолликнинг ҳаққоний баҳоси берилган: **"Бу қонхўр террорчи ўзига Наманган номини қўйиб олгани одамларимизда, айниқса, меҳнаткаш ва оқкўнгил, диёнатли Наманган аҳлида қаҳру ғазаб уйғотмоқда. Улар бу кўрнамакни Наманганнинг номи, Наманганнинг нони кўр қилсин, деб қарғамоқда. Нега деганда, террорчининг миллати йўқ, унинг ота-онаси йўқ, дини иймони йўқ"**.

Ўз юрти, маҳалла-кўйи, ота-онасини шармандайи шармисор қилган ўғилларнинг жиноий фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Уларнинг қилмишларидан бехабарлигини айтиб ёқа йиртган отанинг сўзлари ҳаммани таажжублантиради. Гўёки ўғиллари тинчгина тоат — ибодат билан шуғулланиб юришгану уларнинг асл қилмиш-қидирмишларидан ота мутлақо бехабар қолган. Шундай бўлиши мумкинми?

Чинакам тақводорлик ҳам, албатта, маънавий комиллик аломати. Аммо фарзандларининг тақвога берилганини кўрибоқ хотиржам бўлиш, бугина эмас, кўнглида фахр-ифтихор туйиш ўринлими? Тақвога киришиш ҳали тўла-тўкис маънавий-мафкуравий соғломлик дегани эмасдир. Баъзан тақво жиноий фаолиятни хаспўшлаш учун ниқоб бўлиши ҳам мумкин. Бунда тақво билан риё ёнма-ён юради. Айрим ҳолларда риё тақводан ҳимоя ранги сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади. Риёкор тақводорликни либос қилиб кийиб олади. Ўтакетган риёкорлар ўзларини пешқадам тақводор сифатида намоён этганларига тарих кўп марта гувоҳ бўлган. Ҳозир ҳам ҳаётни ҳушёр кузатсангиз, баъзи ташқи кўринишдан туппа-тузук, келишган йигитлар қўлларини кўкракларига қўйиб, "биза — намозда биза" дея ғурурланишади. Амалий фаолиятда уларнинг кирдикорларини кўриб қолсангиз, асло имонэътиқодли кишиларнинг ишига ўхшамайди. Бундай иккиюзламачилик нафақат ислом, балки ҳеч қандай диний эътиқодга тўғри келмайди.

Ҳозир мафкурани, асосан, ғоя ёки ғоялар мажмуаси сифатида шарҳлаш кузатилмоқда. Бизнингча, мафкура — ахлоқ ҳам. Президент Ислом Каримовнинг янада қатъий фикрларича, **ахлоқ мафкуранинг ўзагидир.** Инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракати унинг мафкуравий қиёфаси, нуқтаи назарини ҳам яққол кўрсатиб туради. Унинг мавҳум ғоявий нуқтаи назари ахлоқий хатти-ҳаракатида амалий равишда аён юз кўрсатади. Мафкура соҳасида "мафкурасизлик", "мафкурасиз", " мафкураси бузуқ", "мафкуравий бетайин", "мафкуравий тутуриқсиз" сингари тушунчаю иборалар бор. Ушбу тушунчалар мазкур ўз ватани ва халқига қарши жиноий ҳаракатга киришган кишиларга тааллуқли. Бундай кишилар икки тоифадан таркиб топадилар. Ё улар онгида мафкуравий бўшлиқ бўлиб (мафкурасизлик), ташқи таъсирларга осонгина бериладилар ва "зомби"га айланадилар ёки ўз мафкуравий йўлларида собит, қатъий, мустақил тура олмай, йўлдан адашиб, оғишиб кетадилар. Аниқроғи, уларда мафкура бор, лекин "мафкуравий иммунитет" шаклланмаган бўлади. Ана шу тутуриқсизлик оқибатида улар ёт мафкурага осонгина таслим бўладилар. Иккала тоифадаги кишилар онги ҳам зарарли мафкура билан заҳарланиб, бузилган мафкурага айланиб кетади. Кейинги йилларда жиноят содир этаётган террорчи, экстремист, ақидапарастлар худди шундай мафкураси бузуқ кишилар тоифасига мансубдир.

Энди Президентимиз таъбирлари билан айтганда, ёш, ғўр, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган, лекин мияси заҳарланаётган ўзининг болаларига гапи, сўзи таъсири ўтмаётган, бу борада заифлик қилаётган оталарга қаратиб, тарихдан бир ҳаётий сабоқ келтирмоқчимизки, бу борада кўнгилчанлик ўта хатарлидир.

Тарихчиларимизнинг ёзишларича, Соҳибқирон Амир Темур Хуросон, шимолий Эрон, Ироқ, Қофқоз ортидек улкан мамлакатни забт этиб, учинчи ўғли Мироншоҳ идорасига топширади. Мироншоҳ жасур ва жанговар шаҳзода бўлиш билан бирга, майхўрлик ва маишатга берилган киши эди. У Самарқандда бир зиёфат чоғида собиқ Ҳирот ҳукмдорининг ўғли Пир Муҳаммаднинг калласини кулиб туриб қилич билан узиб ташлайди ва кейинчалик бу қилмишини "мастлик"ка йўяди. Кейинроқ Мироншоҳ айшу ишратга янада берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай қўйган...

У ношаръий хотинлар олишни кўпайтиради. Узлуксиз давом этган базмлар ва ҳар хил кўнгилочар ўйинлар хазинага сезиларли равишда зарба беради. Бундан ташқари, у Султония шаҳридаги энг чиройли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздиради. Бу ҳам етмагандек, Табриз шаҳридаги машҳур тарихчи Рашиддиддиннинг мақбарасини буздиради.

Мироншоҳ ҳарамидаги хотинларига ҳам ҳар хил туҳмат ва бўҳтонлар қилиб, жабр-зулмни ҳаддан ошириди. Ниҳоят, 1399 йили Мироншоҳнинг катта хотини Хонзода бегим эридан яширинча Самарқандга — қайнотаси Амир Темурнинг ҳузурига бориб, Мироншоҳнинг кирдикорларидан шикоят қилади. Соҳибқирон севикли келинидан бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Амир Темур бир ҳафта давомида йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Амир Темурнинг аҳволидан огоҳ бўлинг. Не-не ёвлар эголмаган мағрур ва жасур бошини ўз фарзанди эгган, мислсиз буюк шахсни изтиробли аҳволга солган. Амир Темур Мироншоҳ билан боғлиқ ҳолни келини ва хонадони олдидаги уятгина эмас, балки ўз сулоласи ва салтанатининг обрўсизланиши, маънавий ўпирилиш, мутлақо кечиримсиз гуноҳ эканлигини англаб етган.

Ниҳоят, Амир Темур машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўл-йўлакай қўқиссдан Озарбойжонга бостириб киради. Соҳибқирон Султонияга киргач, дарҳол Мироншоҳ билан унинг ҳамтоқлари, аркони давлатини тутдириб, зиндонга ташлатади.

Эртаси куни Амир Темур энг нуфузли кишиларини тўплаб, Мироншоҳ масаласини ўртага ташлайди. Улуғ девонга йиғилган амалдорлардан Мироншоҳ ва унинг ҳамтоқларига берилажак жазо нимадан иборат бўлиши кераклигини айтишларини талаб қилади. Бироқ йиғилганлардан садо чиқмайди. Ниҳоят, Соҳибқироннинг ўзи Мироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазосини эълон қилади. Сайид Барака ва бошқа айрим амалдорлар бу ҳукмга қатъиян қарши турадилар. Лекин Амир Темур ўз сўзида маҳкам туради. Шунда амир Шоҳ Малика узр сўраб: "Ўз ўғлингиз-ку, давлатпаноҳ", дейди. Соҳибқирон тортиниб ўтиришни ёқтирмасди, бинобарин ғазаби қайнаб кетади ва ўрнидан туриб, амир Шоҳ Маликка ғазаб билан тикилади. Шоҳ Малик эса, яна: "Шаҳзода сизнинг фарзанди аржумандингиз эрур, давлатпаноҳ, қатл қилдирсангиз, Ислом қиличига фарзандкушлик исноди доғ бўлиб тушмоғи муқаррардур", дейди. Амир Темур эса бунга жавобан: "Мен аҳкоми шариатда эмас, ўз салтанатимда тартиб ўрнатмоғим лозим", дейди. Шунда Сайид Барака ўрнидан туриб, "Барибир, ҳар бир ишдан Оллоҳ таоло воқифдур, ҳукмдор", дейди. Шундан сўнг Соҳибқирон ўзича бир қарорга келади-да, ғазабдан тушиб, ўрнига ўтиради ва кенгаш тугаганлигини маълум қилади. Шоҳ Малик ва Амир Темур мунозарасидан Соҳибқирон зукко давлатшунос сифатида дин ва давлат ишларини айрича баҳолаганлиги, "аҳкоми шариат" давлатнинг талабчан сиёсатига ҳамма вақт ҳам мувофиқ келмаслигини теран англаганлиги ҳамда шу нуқтаи назарини кенгашда қатъий ифодалаганлиги яққол кўриниб турибди.

Эртаси шаҳар фуқаросини катта майдонга йиғиб, Мироншоҳ бошлиқ барча амир ва амалдорларни қўллари боғлиқ ҳолда олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод Соҳибқироннинг сўнгги буйруғини кутарди. Ниҳоят, Амир Темур қатлни бошлашга ижозат беради. Жаллод бек ва амалдорлардан бир нечтасини қатл қилгач, навбат Мироншоҳга келади. Шу аснода Сайид Барака бошлиқ барча амир ва беклар ҳамда шаҳзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Шоҳдан илтижо қилиб, ёлборадилар. Шундан сўнггина, Мироншоҳ банддан озод қилиниб, гуноҳи кечирилади. Қатл қилинган бек ва амалдорларнинг тўплаган мол-мулки мусодара этилиб, хазинага қайтарилади. Мироншоҳнинг ҳарамидаги хотинлари ва канизакларидан фақат гўдаклари борларигина қолдирилиб, қолганлари ҳарамдан чиқарилиб, ҳайдалади. Мироншоҳ эса ҳокимиятдан четлаштирилиб, ўрнига унинг иккинчи ўғли Умар Мирзо тайинланади.

Кўриниб турибдики, Мироншоҳнинг фоже қисматига унинг ахлоқсизлиги, яъни мафкуравий бузуқлиги сабаб бўлган. Шу ерда "Амир Темур, барибир, ўғлини қатл эттирмади-ку", деган савол — эътироз туғилиши мумкин. Ҳа, у жисман ўлмади, лекин ўлим билан баробар жазога мустаҳиқ бўлди. Яъни, маънан ўлди. У халойиқ ўртасида сазойи бўлди. Темурдай улуғвор подшоҳ ва эл назаридан қолди. Мақолда айтилганидек, эман дарахтининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

Демак, давлат, Ватанга хиёнат, у қайси турда, ким томонидан содир этилмасин, кечирилмасдир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори**



## Шундай юртни севмай бўладими!

**Индира ХУДОЙБЕРГАНОВА ва Шавкат АКРОМОВ олган суратлар**



## АДВОКАТ КИМ?

### ёки билимдон адвокатнинг жамиятга нечоғлик фойда келтиришию, малакасиз адвокатнинг қанчалик зиёни тегиши хусусида

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўтган ўн йил ичида ҳуқуқий тизимда улкан ислоҳотлар амалга оширилгани, хусусан, суд, прокуратура, шунингдек, адвокатура фаолияти деярли қайта ташкил қилинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Куни кеча жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.

Яна шуни айтиш жоизки, ислоҳотлар жараёни суд, прокуратура ва адвокатура тизимидаги ўзгаришлар бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш тажрибаси ўзгаришлар оқимини ҳар уч тизимда ҳам баб-баравар олиб боришни тақозо қиляпти. Хусусан, адвокатлик фаолияти, адвокатура тизимидаги ўзгаришлар суднинг мустақиллигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, суд мустақиллиги ҳақида гап кетганда, адвокатларга берилаётган ҳуқуқ ва имтиёзлар, уларнинг ваколат доираси, адвокатнинг жамиятдаги ўрни, хуллас, адвокатнинг мустақиллиги ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Зеро, қонунчиликнинг тили билан айтганда, фуқаролар ҳуқуқларининг нечоғлик таъминлангани ҳам адвокатура фаолиятининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Адвокатура фаолиятида бугун қандай ўзгаришлар рўй бераяпти? Адвокатнинг жамиятдаги ўрни нима билан изоҳланади? Умуман айтганда, биз адвокат хизматида фойдаланишни биламизми? Адвокатлар ўзларига берилган ваколатлардан нечоғлик фойдаланаяпти-ю, нечоғлик бу имкониятлардан фойдалана олмаяпти?

Бу борадаги фикр-мулоҳазалар сиз, азиз газетхонларни ҳам қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

Шу маънода қуйида адвокатура фаолияти, ундан фуқароларнинг фойдаланишига бағишланган давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

*(Шу мавзудаги махсус саҳифани 3-бетда ўқийсиз)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутати Нариаки Накаямани қабул қилди.

* * *

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида Чехия Республикаси фотосурат усталарининг кўргазмаси очилди.**

* * *

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорларининг бажарилишига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

* * *

**Урганчда Хоразм вилоятида кичик ва ўрта бизнес ривожланиши таҳлили, бу соҳага хорижий инвестициялар жалб қилиш, қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

* * *

Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

**"Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.**

* * *

Тошкент Давлат мусиқа коллежи "Олтин қўёш белгиси" Халқаро мукофотига сазовор бўлди.

* * *

**Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида 2002 йилда буюртмалар портфелини шакллантириш ва моддий техника ресурсларини сотиб олиш шартномаларини тузиш борасидаги ишларни ташкил этиш масалалари бўйича кенгаш бўлиб ўтди.**

* * *

Буюк Британияда кураш бўйича анъанавий Ислом Каримов турнири бошланди.

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»**

катта йўлга тараддуд кўраётир.

*Сиз-чи, азиз муштарий?*

*Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, "Инсон ва қонун" газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!*

**Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,**
**юридик фанлари доктори**

## АДОЛАТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги **"Адолат — қонуни устуворлигида"** маърузасида, "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан **"Амнистия тўғрисида"**ги 2001 йил 22 августдаги Фармойиши ва ниҳоят, жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонунининг қабул қилиниши юксак даражада ривожланган ҳуқуқий давлат барпо этилиши йўлидаги дадил қадамлар бўлди. Энди бевосита бу ўзгариш ва қўшимчалар таҳлилига ўтайлик.

Жиноят кодексининг 51-модда биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилган: "Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97модда иккинчи қисми), агрессия (151-модда иккинчи қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда учинчи қисми) учун белгиланади". Бу таҳрир, энг аввало, энг оғир жазо — ўлим жазоси 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексимиздагига нисбатан уч баробар, 1998 йилдагига қараганда икки баравар камайтирилганлигидан далолат беради. Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат тўрт ҳолатдагина сақланиб қолинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Адолат қонун устуворлигида"** маърузасида қайд этилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ўлим жазосига муносабати аниқ равшан баён қилинган: "Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, - дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарлик миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим".

Бу — ўлим жазоси турларининг Ўзбекистонда тобора камайиб бораётганлиги бутун жаҳон жиноят қонунчилиги сиёсатига тамомила мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Икинчидан, мазкур ҳолат Ўзбекистон Конституциясидаги инсонпарварлик тамойилига мосдир.

Учинчидан, ушбу ислоҳот халқимиз миллий маънавиятининг асл моҳиятига асосланган. Халқ нуқтаи назарича, кўп турдаги жиноят содир этган кишиларнинг жазосини Яратганнинг ўзи беради. Аммо инсоннинг жонига онгли равишда қасд қилган жиноятчиларни халқ кечирмайди ва уларни қаттиқ жазога махкум этишни ёқлайди. Агрессив, геноцид, терроризм эса алоҳида инсонларга эмас, балки жамиятга оммавий ва онгли равишда қирғин келтириш мазмунидаги жиноятлар бўлиб, халқаро меъёрларга мувофиқ ҳам ўта оғир жазо белгилашга лойиқдир.

Миллий маънавиятимиздаги инсонпарварлик тамойили 51-модданинг иккинчи қисмини қуйидагича таҳрир этишни тақозо этган. "Ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас". Бу ўзгартириш ва қўшимчадан шу нарсани кўриш мумкинки, аёллар ва вояга етмаганлар билан бир қаторда олтмишдан ошган эркакларга ҳам жазо тайинлашда енгиллик берилди. Дарҳақиқат, олтмишдан ошган эркакларга ҳам халқимизнинг муносабати бўлакча. Одатда риёкор, гуноҳкор қариялларга нисбатан Оллоҳ инсоф ва тавфиқ берсин, иймонини бут қилсин дейилади. Улар ҳаёт уммонинг қирғоғига яқинлашган, тавбатазарру мавсумига киришган, қилган савобу гуноҳлари учун ажрим олиш арафасида турадилар. Демак, инсоф юзасидан табиий равишда ўлимга яқинлашиб бораётган бундай қарияларга нисбатан ҳам ўлим жазосини бекор қилинишида мантиқий асос бор.

Жиноий жазоларни либераллаштирилишдаги диққатга сазовор томойиллардан яна бири қамоқ жазосини имкон қадар қисқартиришдир. Илгари жамият учун унча хавфли бўлмаган жиноятлар учун жазо қўллашда ҳам инсон ҳаёти ва тақдирига шафқатсиз муносабат ҳукм суриб келган. Бундай қонунбузарликни содир этган фуқаролар маълум муддатга озодликдан маҳрум этилган. Президентимизнинг **"Адолат қонун устуворлигида"** маърузасида ушбу яроқсиз тажрибага кўплаб мисоллар келтирилади ҳамда бундай ҳолатларда қонунни бузган одамларга қамоқ жазоси эмас, балки иқтисодий жазо турларини қўллаш маъқуллиги таъкидланади. Ушбу тамойил янги таҳрирнинг қўшимча ва ўзгартиришларида ўз ифодасини топган. Қамоқ жазосидан воз кечиш чора-тадбирлари турли моддаларда, масалан, "Етказилган моддий зарарни ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" (167,168 моддалар), "Етказилган моддий зарарни ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўллланилмайди" (170-модданинг учинчи қисми), "Етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" (175-модда учинчи қисми), "Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" (184-модда) ва ҳоказо ҳолларда ўз ифодасини топган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

# СУДЛАШИШ ШАРТМИДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низомда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажаришда, мулкчилик шаклидан ва идоравий тасарруфидан қатъи назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни амалга оширувчи ташкилотлар, корхоналар ўртасида пайдо бўладиган муносабатлар тартиби алоҳида белгилаб берилган. Тайёрловчилар ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли муайян зарар етказилишида айбдор шахслар зиммасига мулкий жавобгарлик юклатилган.

Мамлакатимизда пахта топшириш, қабул қилиб олиш жараёни давом этаётган ҳозирги паллада хомашё етказиб берувчилар ва қабул қилувчилар ўз мажбуриятларини яхши тушуниб, унга амал қилишлари, номи зикр қилинган низом доирасида фаолият кўрсатишлари нечоғли зарур экани, айниқса, алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўтган йилги йиғимтерим жараёнида баъзи туманларда белгиланган тартибга риоя қилинмагани боис деҳқонларимизнинг ортиқча ташвиш чекишига тўғри келган эди.

Хусусан, Боёвут туманидаги "Халил ота" фермер хўжалиги Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан пахта хомашёси сотиб олиш учун тузган шартномага кўра ҳиссадорлик жамияти пахтани қабул қилиб олиб, тасдиқланган нарх асосида белгиланган муддатда хўжаликка ҳақ тўлаши лозим эди.

— Низомга мувофиқ маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг уч календар кундан кечиктирмай тўланиши шарт, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Шокир Саидов. — Лекин Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти "Халил ота"дан пахта хомашёсини қабул қилиб олди-ю, ҳақини тўлашга келганда уни ойлаб пайсалга солганлиги, фермер корхона раҳбарларидан ҳақини ўз вақтида ололмаганлиги сабабли кўп овораи сарсон бўлгач, ниҳоят Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма эса, ўз навбатида, Боёвут туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мазкур ҳолат юзасидан даъво аризаси киритди. Суд Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти "Халил ота" фермер хўжалиги фойдасига шартнома шартларига мувофиқ тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,4 фоиз, жами 600 минг 88 сўм миқдорида пеня тўлаши ҳақида қарор чиқарди.

Гулистон пахта заводи ўтган йили биргина "Халил ота" фермер хўжалигининг эмас, балки бошқа деҳқон ва фермерларнинг йил бўйи меҳнат қилиб, кўз тиккан фойдасини ўз вақтида бера олмади. Натижада ана шундай катта миқдордаги пеня, моддий ва маънавий зарарларни тўлашига тўғри келди. Таажжуб, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариб, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасликнинг афзаллигини тушуниш учун нахотки суднинг аралашуви шарт бўлса?

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Адлия тизими*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

***Шаҳар адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида судларга тадбиркорлик фаолияти субъектлари манфаатларини кўзлаб 50 нафар жавобгарларга нисбатан 25.833.093 сўм ва 330.255 АҚШ доллари ёки 100.000.000 сўмдан ортиқ маблағни ундириш масаласида 66 та даъво аризалари киритилди.***

***Тадбиркорларни ҳимоя воситаси билан таъминлаш мақсадида шаҳарда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан 28600 тадан ортиғига Адлия вазирлиги томонидан жорий қилинган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" тарқатилди ва ҳозирда яна 11.000 та китоб тарқатилмоқда.***

Табиатнинг ўзи сехргар

# ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

## у қонун ҳаётга тўғри татбиқ этилишини тақозо этади

Қонун ҳаётга тўғри тадбиқ этилиб, унга оғишмай амал қилинса, барча соҳада меҳнат унумдорлиги билан бирга манфаатдорлик ҳам ошди. Бу эса фаровонлик гаровидир. Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ички хўжалик шартномалари, чек масалалари ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларини тушунтириш борасида вилоятдаги бир нечта шаҳар ва туманларда мунтазам равишда семинар машғулотлари ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадида бошқарма ходимлари вилоятда фаолият кўрсатаётган жами 17473 нафар оила пудратчилари билан тузилган ички хўжалик шартномаларини қонун талаблари асосида ўрганиб чиқишди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ички хўжалик шартномаларининг бажарилмаслиги юзасидан оила пудратчилари ва ижарачилар манфаатини кўзлаган ҳолда судларга 35.494.200 сўмлик жами 183 та даъво аризаси киритилди.

Шулардан 25.584.421 сўмлик 168 та ариза пудратчилар фойдасига ҳал этилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Фарғона туманидаги Фарғона ширкат хўжалиги шу ерда яшовчи оила пудратчиси И.Абдурахмонов билан 1999 йил ноябр ойида 2000 йил буғдой ҳосили етиштириш тўғрисида шартнома тузган. Шартномада оила пудратчиси 1,5 гектар ердан 6885 килограмм буғдой дони етиштириш кўрсатилган. И.Абдурахмонов оиласи эса режадан 3971 килограмм ортиқ буғдой ҳосили етиштиради.

Ширкат хўжалиги билан оила пудратчиси ўртасида тузилган шартномада режадан ортиқ топширилган дон маҳсулотининг маҳсулот ёки пул тариқасида пудратчига тўланиши кўрсатилган. Лекин ширкат хўжалиги шартномага амал қилмасдан И.Абдурахмоновга бор-йўғи 867 килограмм буғдой бериб, қолганини беришни пайсалга солиб келган.

Мазкур ҳолат бўйича адлия бошқармаси томонидан даъво аризаси қўзғатилиб, Фарғона шаҳар туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига киритилган. Ушба даъво аризаси суд томонидан кўрилиб, оила пудратчиси И.Абдурахмонов фойдасига қонуний ҳал қилув қарори чиқарилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўжалик бошқаруви раиси нима учун бундай ғаразли йўл тутган? Бундай ғирромлик деҳқоннинг меҳнатига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юбормайдими?

Дарҳақиқат, баъзи бир хўжалик раҳбарларининг ноқонуний ҳаракатлари кўпгина деҳқон-фермер хўжаликларига салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап. Бу каби салбий ҳолатлар меҳнаткашларнинг ишдан кўнгли совушига олиб келади.

Етиштирган маҳсулотларига ҳақ ололмаётган фермер хўжаликлари ҳам талайгина. Данғара туманида фаолият кўрсатётган "Бўлоқ" фермер хўжалиги туман марказий шифохонасига 650 минг сўмлик сут маҳсулотлари топширган, бироқ пулини ололмаган. Риштон туманидаги "Агрокимётаъминот" ҳиссадорлик жамиятининг тумандаги "Олим" фермер хўжалигидан 74615 сўмлик, "Иттифоқ" фермер хўжалигидан эса 115104 сўмлик қарзи бор экан. Яқинда вилоят адлия бошқармаси томонидан фермерларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда Кўқон шаҳар туманлараро фуқаролик суди ва вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди ва уларнинг ижроси таъминланди.

Бу каби ҳолатларни таҳлил қилган киши ўз-ўзига шундай савол бериши табиий: деҳқон топширган маҳсулоти ҳақини ололмаса, ерига вақтида ишлов бера оладими? Албатта, йўқ. Ҳар бир кун деҳқонга қимматга тушади, оқибатда кўплаб асаббузарлик келиб чиқади. Охир-оқибат фермер ҳатто синиши ҳам мумкин.

Хулоса шуки, шартнома мажбуриятини бажармаган томон ўз вақтида қонуний жазоланиши лозим. Чунки шартнманинг бажарилмаслиги жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларга жиддий путур етказади. Қонунни ҳаётга тўғри татбиқ этиш фаровонлик сари қўйилган қадамдир. Шундай экан, шартнома мажбуриятларини бажариш иш меъёрини белгиловчи мезон бўлмоғи даркор.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**Фарғона вилояти**

*Ҳуқуқий маърифат*

# БИЗНЕС РЕЖА НИМА?

Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини бошлашдан олдин келажакдаги молиявий, моддий, меҳнат ва интеллектуал ресурсларга бўладиган эҳтиёж ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун тадбиркор амалга оширмоқчи бўлаётган фаолияти жараёнидаги бажариладиган ишларнинг аниқ режасини ишлаб чиқиши шарт бўлади. Бу эса бизнес режа деб аталади.

Бизнес-режа тадбиркорга ҳар хил шароитда ўз фаолиятини бошлаш ва уни кенгайтириш учун имконият яратиб беради. Аниқ ҳисоб-китоблар, ўрганиш, таҳлил асосида ишлаб чиқилган бизнес-режа тадбиркорга келажакда бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, хўжалик фаолиятини назорат қилиш, фаолияти натижасини баҳолаш омили ҳисобланади.

Бозор шароитида тадбиркор мунтазам равишда бозорнинг ҳолати ва ундаги рақобат ҳақида ахборотга эга бўлиб, уни таҳлил этиб борган ҳолда ўз ҳолатини аниқ режалаштирмаса, муваффақиятга эришиши ниҳоятда қийин кечади. Шу боис ҳар қандай соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун аввалдан фирмани ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятнинг тактика ҳамда стратегиясини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз ишини бошлашдан олдин тадбиркор дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни қанчалик чуқур ва аниқ ўрганиб таҳлил этса, шу муаммоларни ҳал этиш тартиби шунчалик самарали бўлади ва таваккалчиликдан келадиган хавф-хатар ҳам анча пасаяди. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режага эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини бошламасдан олдин мўлжалланган ишни бажаришнинг реаллиги, моддий-техника базасининг ҳолати, маҳсулоти ва хизматига 3-5 йил ичида талаб қай даражада ўзгариб бориши, ички ва хорижий маҳсулоти ҳамда хизматига нарх даражаси ёки суръати, харажатларни қоплаб, кўриладиган фойда ва даромади ҳақида тушунчаларга эга бўлиши керак.

Бизнес-режа тадбиркорнинг келгусидаги хўжалик юритиш тадбирлари ва ишлари йўналиши режасидан иборат бўлиб, уни ишлаб чиқишдан мақсад корхонанинг аниқ ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбирини режалаштиришни кўзда тутади.

Тадбиркор келажакдаги ўз фаолияти режасини ишлаб чиқиш жараёнида имкониятини таваккал қила билиши, иқтидори, моддий мақсадга эришиш иштиёқи, харажатлар ва якуний натижаларни тезкор ҳолатда ҳисоб-китоб қила олиш қобилиятини чуқур ўйлаб, чамалаб олмоғи лозим.

Бизнес-режа янги иш бошлаган тадбиркорларга қуйидаги асосий вазифаларни ечишда ёрдам беради:

— фирманинг келажакдаги фаолият йўналиши ва бозорда тутадиган ўрнини аниқлаш;

— фирманинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун яқин ва узоқ муддатли тактика ҳамда стратегиясини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва бу ишга масъул бўладиган кишиларни аниқлаш;

— фирма томонидан истеъмолчига тавсия этилувчи товарлар ва хизматлар кўрсаткичларини танлаш ҳамда аниқлаш;

— фирма олдига қўйган мақсадга эришиш учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш ва савдо харажатларини аниқлаш;

— мақсадга эришиш учун фирма ходимларининг имкониятларини баҳолаш ва мувофиқлаштириш;

— бозорни ўрганиш, реклама ва баҳоларни белгилаш, реализация каналларини ўрганиш ва ҳоказолар бўйича фирманинг маркетинг тадбирлари тизимини аниқлаш;

— фирманинг моддий ва маънавий аҳволини баҳолаш ва мақсадга эришиш учун лозим бўлган маблағларини аниқлаш;

— фирма фаолиятини амалга оширишдаги қийинчилик ва тўсиқларни олдиндан чамалаш.

Бизнес-режани юзаки, кўр-кўрона тузиш аксарият ҳолларда фирма ишининг барбод бўлишига олиб келади. Шунинг учун уни чуқур ўйлаган ҳолда мутахассислар иштирокида асосли қилиб тузиш лозим. Фирма фаолиятини бизнес-режа асосида ташкил этиш бир қанча афзалликларга эга ва тадбиркорларга ўз фаолиятини самарали олиб боришда катта имкониятлар яратиб беради. Жумладан-у:

— раҳбарни фирма келажаги билан жиддий шуғулланишга мажбур этади;

— раҳбарнинг турли тадбир ва қарорлар қўллашида ўз фаолиятини бир-бирига мувофиқлаштиришига ёрдам беради;

— фирманинг фаолияти устидан доимий назорат олиб боришга имкон беради;

— тадбиркорга мақсадга эришиш учун аниқ йўлни танлашга ёрдам беради;

— фирмани тўсатдан келадиган ноқулайликлардан муҳофаза этади.

— фирманинг раҳбари ҳамда ходимларининг мажбурият ва масъулиятларини кўрсатиб беради;

— тадбиркорга мўлжаллаётган иши учун маблағ сарф этиш лозимлигини кўрсатади.

Дастлабки босқичда бизнес-режани ихчам шаклда, айрим бўлимларини қолдириб тузиш мумкин. Лекин фирманинг муваффақиятини таъминлаш учун кейинчалик уни мукаммал равишда ишлаб чиқиш лозим. Чет давлатларда шундай тажриба ҳам борки, бизнес-режани бошқа бирон маслаҳатчи — мутахассиса тўздириб, суҳбатлашганда уни яхши ўзлаштирмаган тадбиркор билан турли жамғарма ҳамда компаниялар ҳамкорлик ҳам қилмайди ва унга банк кредит ҳам бермайди.

Шу сабабли тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда бизнес-режада амалга ошириш зарур бўлган ғояларини, ўз концепцияси ва стратегиясини, умумий мулоҳазаларини, шунингдек, маркетинг режаси мазмунини яхши ўзлаштирган ва англаб етган бўлиши керак.

Бизнес-режа одатда 3-5 йилга тузилиб, биринчи ва иккинчи йил учун асосий кўрсаткичлар квартал ва ойлар учун алоҳида аҳратилиб кўрсатилиши лозим.

Бизнес-режанинг таркибий тузилиши, бўлимлари, мазмуни бўйича ягона нусха белгилаб қўйилмаган ва чеклашлар йўқ. Ҳар қайси тадбиркор, фирма раҳбари фаолият йўналиши, миқёси ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда режа бўлимларини кўп ёки камроқ ҳолда турлича ёритиб тузиши мумкин. Бизнес-режа таркибига қўйидаги бўлимлар киритилади:

— Фирма имкониятлари (қисқача мазмуни)

— Фирманинг ишлаб чиқариш ва хизмат фаолияти турлари

— Товарлар ва хизматларини сотиш бозорлари

— Бозордаги рақобатлашув

— Маркетинг режаси

— Ишлаб чиқариш режаси

— Ташкилий ишлар режаси

— Фирма фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш режаси

— Таваккал ва хавф-хатарни баҳолаш

— Молиявий режа

— Молиялаштириш режаси.

***Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятида кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Бунга, аввало, аксарият тадбиркорларнинг ўзи малака жиҳатдан замонавий талабларга жавоб бера олмаслиги, уларнинг ҳуқуқий маданият ва иқтисодиёт асосларини пухта билмаслиги, бизнес-режаларни тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ҳисоб-китобни тўғри юритиш, хўжалик шартномаларини тузишда тажриба ва билимнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.***

**Ислом КАРИМОВ.**

**Норбой БЕКНОЗОВ,**
**Ўйғун ТУРҒУНОВ,**
**Суннат ҚУРБОНОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчилари**

# СИНМАГАН ҲАҚИҚАТ

***"Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди", деган ибора ишлатилади. Рост гап. Қуйидаги воқеа бу иборанинг тўғрилигини яна бир бор далиллайди. Пойтахтнинг Чилонзор туманида жойлашган "SAN-VAIN-SAVDO" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Назаровнинг шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ўтказган текшириш ҳужжатларидан норози бўлиб ёзган аризасига биноан адлия бошқармаси томонидан шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва Чилонзор туман Давлат солиқ инспекциясида мазкур жамиятда ўтказилган текшириш ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди.***

***Шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг 2001 йил 20 июндаги 189-сонли буйруғига асосан бошқарма ходимлари В.Ставиевская, Н.Ларгина ва У.Тожиевлар "SAN-VAIN-SAVDO" МЧЖга қарашли савдо уйида 2001 йилнинг 20 июнидан 29 июн кунига қадар текшириш ўтказиб, далолатнома тузишган.***

***Ушбу далолатномадан норози бўлган жамият раҳбари Н.Назаров ва бош ҳисобчи З.Пронина унга имзо қўймаганлар. Негаки, мазкур текшириш материалларига асосан, 2001 йил 31 июл куни шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Атахановнинг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 136-сонли қарори 7-бандига кўра, 7907,8 минг сўм олинган фойдани, белгиланган тартибни бузиб, ароқ-вино маҳсулотларини қонунга хилоф равишда улгуржи тарзда биржа орқали миллий валютага сотганлиги учун ва шу миқдорда 100 фоиз жарима белгиланиб, жами 15715,6 минг сўм молиявий жаримага тортилади.***

***Бироқ ушбу қарорнинг молиявий жарима солиш ҳақидаги юқорида қайд этилган қисми қуйидаги ҳолатларга асосланиб бекор қилинади.***

***Вазирлар Маҳкамасининг "Ароқ-вино маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдосини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори 1-бандига кўра, Республика ҳудудида ароқ-вино маҳсулотларини "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компанияси тизимларидаги корхоналарга улгуржи ва майда-улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи белгиланган.***

***"SAN-VAIN-SAVDO" МЧЖ 2000 йилда Россия Федерациясига вино хом ашёси юборган бўлиб, бу хом ашё тайёр маҳсулот деб ҳисобланмаслиги ва юқорида қайд этилган қарорнинг 1-бандига тушмаслиги Узбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Т.Жўраевнинг жорий йилнинг 10 августидаги тж/24-10-137 сонли ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компанияси раиси ўринбосари Т.Умаровнинг 02.07.01 йилдаги 12-12-158 сонли хатлари билан тасдиқланган.***

***Шунинг учун юқоридаги қарорнинг мазкур қисми бекор қилиниб, ундирилиши белгиланган суммалар жамиятга қайтарилиши ҳақида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасига 2001 йил 28 август куни тақдимнома киритилди ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг 2001 йил 15 октябр кунидаги қарорига асосан жами 15715,6 минг сўм молиявий жарима жамиятга қайтарилади.***

**Эркин ПАРДАЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

# АДОЛАТ МЕЗОНИ

(Боши биринчи бетда)

Жазо чораларини бундай ислоҳ этилиши, давлат ва жамиятга етказилган моддий зарарни қоплаш билан бирга маҳбусларга сарфланадиган харажатларни тежайди ҳамда қамоқдаги маҳбусларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини таъминотсиз қолдирмайди ва энг муҳими, жазога тортилган фуқароларга маънавий, аҳлоқий, руҳий, ҳаттоки, жисмоний жиҳатдан салбий таъсир қилинишини олдини олади. Айниқса, ёшларимизни қамоқ жазосидан мумкин қадар асраб қолиш муҳимлиги Президентимизнинг "Адолат — қонун устуворлигида" маърузасида оқилона оғоҳ этилади. **"Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас, —** дея таъкидлайди Юртбошимиз. **— Кўп ҳолларда арзимас қилмиш эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди".**

Шахс маънавиятини издан чиқариш кўп ҳолларда дастлабки суд олди қамоқда сақлаш жараёнларидаёқ бошланган. Тирик жон, бизнинг ватандошларимиз унинг алам изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош уруғлари борлигини, минг афсуски унутмаслигимиз ҳақида Президентимиз таъкидлаб ўтиб шундай дейди: **"Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали ҳануз барҳам берилмаган".**

Жиноий жазоларни либераллаштириш асосида юзага келган Жиноят-процессуал кодексидаги айрим моддалар яроқсиз суд тажрибаларини барҳам топтиришга қаратилган. Жумладан, "Жиноятчилар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас" (ЖПК 245 модда), "Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим" (ЖПК 351-модда биринчи қисми), "Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишини кўришни бошлаши лозим. Жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида суд уни мазмунан ҳал этишни тугаллаши лозим" (ЖПК 405-модда).

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноий жазо қўллашдаги молмулкни мусодара қилиш ҳам тамомила янгича ҳуқуқий мафкуравий нуқтаи назар асосида меъёрлаштирилган. Ушбу нуқтаи назар Президентимизнинг "Адолат — қонун устуворлигида" маърузасида аниқ равшан баён этилган:

**"Табиийки, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарар мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолади. Аммо қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак. Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор, мана шундадир. Биз синфий кураш ғояларига давлат манфаатларининг мутлақ устунлигига асосланган ва ҳали-бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндошувлардан воз кечишимиз керак.**

**Яъни, агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришга қаршимиз. Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятда узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу бизнинг бош мақсадимиздир".**

Ушбу инсонпарвар концепция қонуннинг янги таҳририга татбиқ этилди ва ўнлаб моддалардан мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги ибора чиқариб ташланди. Бу чинакам инсонпарварлик омили, оила ва жамиятга ғамхўрлик намунасидир.

Ўзбек миллий маънавиятидаги энг ажойиб хусусиятлардан яна бири ҳаётнинг кўп мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Гина, кудурат, ҳасад, хусумат, адоват ҳаттоки авлоддан авлодга ўтиб кетадиган қасос туйғусига ҳам кечириш ва ярашув барҳам беради. Ўзаро даъвогар, низолашган икки шахс ёки икки томон табиий равишда келишиши мумкин. Ёки уларни дўстлари, маҳалла оқсоқоллари, қариндош-уруғлари ўртага тушиб. яраштириб қўйишади. Бу эса — жамиятдаги маънавий муҳитни тозалайди. Афсуски, кўп одамлар кечиримлилик ва ярашув имкониятларидан етарлича фойдаланишмайди. Натижада, гина, кудурат, ҳасад, хусумат, адоват, қасосқорлик туйғулари кучаяди. Араз, жанжал, келишмовчилик кўпаяди, узоқ давом этади. Бу — жамиятдаги маънавий муҳитни заҳарлайди. Дўстлар, қариндош-уруғлар, маҳалла фуқаролари орасини бузади. Бундай фаолият ва феъл-атвор бизнинг мафкурамизга зиддир. Аксинча, Ҳадиси шарифларда айтилишича, мусулмоннинг мусулмон билан аразлашиб юриши уч кундан ортиққа чўзилмаслиги керак. Маънавиятимиздаги ушбу олижаноб хусусият ҳуқуқий меъёрларга тадбиқ этилмаганлиги учун ҳам эҳтимол, ҳаётда мураккабликлар кўпдир. Ана шу мақсадда Жиноят процессуал кодекси "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш" сарлавҳали янги 62 - боб ва Жиноят Кодексининг 61-1 моддаси яратилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан тўлдирилди. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 62-бобига тегишли 582-моддасида шундай дейилади: "Ярашганлиги муносабати билан жиноят Кодексининг 66-1 моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин". Бу моддданинг аҳамияти шундаки, маънавиятимиздаги биз тавсифлаган хусусият ҳуқуқий мақомга кўтарилган. Демак, ҳуқуқ маънавият билан бойиди, қучайди. Энди маънавий ҳодиса бўлган ярашув ҳуқуқий маънавий ҳодисага айланди. У эндиликда ҳуқуқий меъёрлар таркибида фаолият кўрсатиб, жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаверади. Энг муҳими шундаки, бу ҳодиса жиноий жазоларни енгиллаштиришга ва жиноятни камайтиришга ёрдам беради.

Суд жараёнида ярашув шундай аҳамият касб этади. Ва ярашган томонлар шундай имкониятга эга бўладики, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисида ариза ёзади. Аризада даъвогар етказилган зиён қопланганини, ярашилганини кўрсатади ва шу муносабат билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тўхтатишни илтимос қилади. Аризани у суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида топшириши мумкин. Бу ҳолат ярашувнинг эркин ва ихтиёрийлигини таъминлайди. Даъвогарда суд жараёнининг охирги босқичигача бемалол ўйлашга имконият бор. Аммо у ярашув аризасини суд маслаҳатхонага киргунга қадар топширса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки суд маслаҳатхонасига киргач, қатъий тўхтамга келади ва ҳукм чиқаришга киришади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мухокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади.

Маънавият ва ҳуқуқнинг ана шундай туташ нуқталари кўпки, олимларимиз улар устида ҳали кўп жиддий ишлашлари ҳамда ҳаётга татбиқ этишни кучайтиришнинг чора-тадбирларини ўйлаб кўришлари зарурдир. Хуллас, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан қонунчилигимиз янада халқчиллашди, унда адолат устуворлиги таъминланди.

*Ҳаёт ва ислоҳот*

# ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИ

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган ҳикмат қадимдан қолган. Ва унинг замирида бир дунё маъно-мазмун мужассам. Косон туманидаги Оқсалла қишлоғида бўлган киши Жомурод ака Алламуродов бошчилик қилаётган "Шомурод ота" хусусий гўшт ишлаб чиқариш фермаси ҳаёти билан танишиб, ушбу ҳикматнинг ҳақлигига яна бир карра иқрор бўлади. Жомурод аканинг ота касби чўпонлик. Бироқ табиатан тиниб-тинчимас, янгиликка ўч бўлган бу инсон оддийгина чўпон таёғини қадрлаш билан ишни битмаслигини англаб етиб, вақтида тадбиркорликка қўл урди. 1995 йил октябрда 12 нафар ишчи, 60 та қорамол билан иш бошлаган тадбиркор "чорва-чорвага ўн йилда етиши мумкин" деган ақидани ҳам четлаб ўтиб, қисқа муддатда чорва туёқ сони ва сифатини ўстириб, вилоятда биринчилар қаторига чиқишга эришди.

Бу ҳақда Шомурод ака қуйидагиларни гапириб берди:

— Чорвачиликка сидқидилдан ёндашилса, тезда самара беради. Ферма ишини йўлга қўйишда энг аввало молларнинг зотини яхшилашга эътибор қаратдик. Аҳолидан, бозорлардан зотли ва наслдор моллар сотиб олдик. Бизга берилган ўн гектар майдондан чиқадиган ем-хашак эҳтиёжни қониқтирмас эди. Дала-даштларимизда эса янтоқ мўл-кўл. Яқин атрофимиздаги аҳолига мурожаат қилиб, янтоқ чопиб беришни сўрадик. Шу тариқа бизга одамлар янтоқ чопиб, сота бошлади. Биз янтоқларни ғарам қилиб, тўплагандан сўнг майдалаб, омухта ем билан аралаштирилган ҳолда молларимизни боқа бошладик. Бу тезда ўз самарасини берди. Айни кунда қорамолларимизнинг туёқ сони 450 дан ошди. Фермамизда уч мингта қўй, 70 дан ортиқ от ва туя бор. Ўтган йилнинг 9 ойи давомида 5 млн. 886 минг сўм даромад олинган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи давомида бу кўрсаткич 13 млн. 856 минг сўмни ташкил этди. Бугунги кунда фермамизнинг гўшт маҳсулотлари Косон ва Қарши шаҳарларидаги болалар боғчаларига, санаторийларга, махсус мактаб-интернат ўқувчиларига, касалхоналарга жазони ижро этиш муассасаларига етказиб берилмоқда. Улар бозор нархидан 15-20 фоиз арзон.

Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак!" деган даъватларига жавобан 1995 йилдан буён фермамиз ўзимиздан орттириб, соф фойдадан 14,5 миллион сўм маблағни кам даромадли оилаларга, вилоят ва туман шифохоналарига, болалар боғчаларига, ўрта мактабларга, вилоят кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатларига, туман қизил ярим ой жамиятига, қишлоқ маъракаларига, туман "Нуроний" жамғармасига, "Соғлом авлод" жамғармасига, вилоят телевидениеси қурилишига, ферма ишчиларига кийим-кечак, иссиқ овқат учун ажратди. Бундан ташқари, 2 та артезиан қудуғимиз 3 та қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаб турибди. Гувалак қишлоғида яшайдиган 300 дан зиёд аҳолига мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб турибмиз. Шунингдек, ҳозирги пайтда фермамизнинг маъмурий биноси қад ростлаяпти. Чўпон-чўлиқлар ва чорва учун қўшимча бинолар қураяпмиз. Эндиги мақсадимиз қорабайир зотли отлар, туялар ва наслдор сигирлар сонини янада кўпайтиришдан иборат. Янги тузилаётган чорва фермалари учун наслдор зотли моллар сотишни ҳам йўлга қўйдик. Яқин орада оқ тивит ва жун берадиган наслдор эчкиларни ҳам кўпайтириш режамиз бор.

Аслида чорванинг меҳнати қаттиқ, бироқ ҳузур-ҳаловати ҳам кам эмас. Бу йўлга кирган одам аввало ҳалолликни, фидойиликни ўзига касб этиши, тинмасдан изланиши лозим. Изланиш эса ҳар доим ғалабага етаклайди.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

## Оталар дейдики:

*Эй халойиқ! Қонунга эга бўлишдан олдин ахлоқли бўлинг, чунки ахлоқ — инсон ўйлаб топган илк қонун.*

***

*Дўст орттир! Чунки бир ўзинг ҳеч қачон бахтли бўла олмайсан. Бахт — икки кишининг насибасидир.*

***

*Ҳар нарсани ўз номи билан аташга ўрган: бу — илмнинг ибтидоси ва энг муҳимидир.*

***

*Донишмандлик нима? Тартиб интизомлилик. Донишманд бўлай десанг, ҳамма нарсани жой-жойига қўй. Ўткинчи шуҳратдан оқил кишининг кундалик ишидаги тартиб аълороқ.*

# АДВОКАТ КИМ? ёки

## билимдон адвокатнинг жамиятга нечоғлик фойда келтиришию, малакасиз адвокатнинг қанчалик зиёни тегиши хусусида

## ЭНГ МУҲИМИ - ИШОНЧ ҚОЗОНИШ

**Гулнора ЭШОНХОНОВА, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими раиси**

Ўзим адвокатман. Шу боис мен учун адвокат — оддий сўз эмас. Олий ўқув юртини тугатибманки, адвокатура соҳасида ишлайман. Адвокатура институтининг жамиятдаги ўрни ва муаммолари мен учун алоҳида аҳамиятга эга, унга нисбатан ҳеч қачон бефарқ бўлолмайман...

Шуни айтиш керакки, адвокат лотин тилидаги "advokatus" сўзидан олинган бўлиб, одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиртирилган, деган маънони англатади.

Аввало, инсон ва унинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш, тиклаш ҳамда ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокат ёлланади. Шу билан бирга бундай ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш адвокатнинг конституциявий бурчи саналади. Адвокат бўлиб хизмат қилаётган шахсга нисбатан алоҳида талаблар қўйилиши зарур. Шубҳасиз, адвокат — юқори малакали ҳуқуқшунос, пок, виждонли ва ҳалол инсон бўлиши керак.

Кимнингдир бошига қулфат тушганда, кимдир ҳаётда муаммога дуч келганда, низоли ҳолатдан чиқолмай қолганда, адвокат тўғри маслаҳат бериб, қонуний йўл кўрсатиб, унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши зарур. Бундан ташқари, адвокат халққа қонунчилик талаблари, инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ўз хизматини аямаслиги лозим.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор.**

Суд жараёнида прокурор ва ҳимоячи тортишувлик принципидан келиб чиқиб, ҳақиқатни аниқлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқлари керак.

Менимча, одил судловни амалга оширишда прокурор айбловни қўллаши ва далил-исботларни келтириши, ҳимоячи эса ўз тарафидан айбни инкор этадиган ёки енгиллаштирадиган далилларни келтириши лозим. Шундан сўнг икки томоннинг фикрини судлов тарозисининг икки палласига қўйиш зарур. Аммо тарафларнинг биронтаси ҳам жазо масаласига аралашиши мумкин эмас.

Яқинда мен Ўзбекистон юристлар делегацияси таркибида Буюк Британиянинг судлов тизими билан танишишга муяссар бўлдим.

Энг қизиғи шундаки, Буюк Британиянинг суд тизимида прокуратура органлари мавжуд эмас экан. Суд мажлисида адвокатнинг ўзи ёки айбловни, ёки ҳимояни қувватлар экан. Тергов ни олиб борган полиция органлари адвокатни айбловни қувватлаш учун ёллашар экан. Иш бўйича тўпланган ҳужжатлар, далиллар тўлалигича ҳимояга етказилар экан (ҳужжат нусхаси, видео ёки аудио ёзув кассетаси нусхаси ва ҳоказо).

Айблов моҳиятини мукаммал ўрганган ҳимоячи гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, далилларни тўплашда тенг ҳуқуққа эга бўлиб, суд жараёнида айбланувчи билан тортишиб, ҳимояни олиб борар экан. Суд ҳакамлари (суд присяжных) иккала тарафнинг тортишуви натижасида судланувчини "айбдор-айбдор эмас" деган қарорга (вердикт) келишса, суд шунга қараб ё жазо тайинлайди, ёки судланувчини суд залидан озод этар экан.

Аммо Буюк Британияда адвокатлик мақомига эришиш осон эмас. Бунинг учун олий маълумотга эга бўлган шахс 1 йил адвокатлар коллежида касбий билим олиб, мураккаб имтиҳондан ўтиши, шундан сўнг эса яна малакали адвокат қўл остида тажриба орттиргач, адвокатлик фаолияти билан мустақил шуғуланишга рухсат берилади. Судьялар эса 25 йил адвокатлик (прокурорлик) фаолиятини олиб борган шахслардан тайинланар экан. Англияда судьяларнинг нуфузи ва обрў-эътибори жуда баланд.

Энг асосийси, судья ҳар бир ишга холисона ёндошади, у на айбловни, на ҳимояни қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олади. Ҳар бир ишга фақат қонун нуқтаи назаридан туриб ёндошади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳам чет элнинг ана шундай илғор тажрибасини қўллаш зарур. Жумладан, мамлакатимизда адвокатлик имтиҳони топшириш жараёнини янада мураккаблаштириш зарур. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун аввал мутахассислик бўйича алоҳида тайёрланиш ва тажриба орттиришни йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, қонунда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган шахсларга қўйиладиган талабларни янада кучайтириш, илгари ҳуқуқшунослик касбига доғ туширадиган хатти-ҳаракатларни содир этганлар учун адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиши қатъиян ман этилиши керак.

Адвокат мустақил, эркин сўзловчи, бирон-бир нарсадан чўчимайдиган бўлса, у ҳар бир инсоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилганда, тиклаганда жамиятга фойда келтиради ва ҳуқуқий давлат пойдевори мустаҳкамланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўринадики, жамиятда адвокатнинг обрў-эътиборини кўтариш, унга нисбатан одамларнинг ишончини янада ошириш аввало, биз, адвокатларнинг ўзига боғлиқ.

## ФУҚАРО ҲУҚУҚИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА, юридик фанлари номзоди**

Мамлакатимизда суд ислоҳотлари тобора кўламли тус олиб бораётгани, инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш каби азалий удумимиз қонунларимизда ҳам ўзининг теран аксини топаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Бировнинг бошига иш тушса, ёрдам бериш, кўнгли чўккан-нинг дилига малҳам бўлиш, руҳини кўтариш азалдан халқимизга хос қадрият саналади.

Жиноий қилмишни биров қасддан, биров эҳтиётсизликдан содир этади. Барча ҳолларда ҳам унинг асл моҳиятига етиш, ҳақиқатни аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган.

Шундай идоралардан бири адвокатурадир. Бу соҳа мутахассислари ҳимоячи (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга шартномавий хизмат кўрсатаётган бўлса), вакил (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларга шартномали, яъни пуллик хизмат кўрсатувчи) бўлиб, жиноят судлов ишларини ҳал қилишда иштирок этадилар.

Уларнинг асосий вазифалари инсон тақдирига бефарқ бўлмай, қонуний ёрдамини аямасликдан иборатдир. Шунинг учун ҳам халқ орасида уларни оқловчи деб ҳам аташади.

Куни кеча жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят — процессуал Кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, жабрланувчида (фуқаровий даъвогар) ўзаро келишиш ҳуқуқлари пайдо бўлди. Бу қонун талабига кўра: 1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят қонунининг 66-моддасига киритилган жиноят турларидан бирини биринчи маротаба содир этган бўлса; 2) ўз айбига иқрор ва ўта пушаймон бўлса; 3) етказилган моддий, жисмоний ва маънавий зарарни тўла қопласа; 4) жабрланувчи ва унинг вакиллари билан ихтиёрий равишда ярашса, иш суд томонидан кўриб чиқилиб, фуқаровий даъвогар жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Бундай ҳолларда томонлар ўзаро келишганлиги сабабли ҳимоячи ёки вакилга зарурат йўқдек туюлади. Ваҳоланки, ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатлар белгиланган. Яъни, 1) вояга етмаганлар иши. 2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ва руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахслар ишлари бўйича, 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахслар иши бўйича ҳимоячиларнинг иштироки гумон қилувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан бошлаб, таъминланиши керак.

Демак, келишувчилик тўғрисидаги жиноятларда ҳам ҳимоячининг қонун талабига кўра иштироки таъминланиши лозим. Буни ҳеч қачон жабрланувчига тазйиқ деб тушунмаслик керак. Агар жабрланувчи ҳам ўзига вакил олиш нияти бўлса, унга ҳам имконият яратиб бериш лозим.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, барча жиноий ишларда ҳимоячи иштирок этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, айбланаётган бўлса, ўзини ҳимоя қилиш учун етарли шароитларга эга бўлмоғи шарт.

## ҲУҚУҚ ВА БУРЧ УЙҒУНЛИГИ

**Саломат НИЁЗОВА, ТДЮИ ўқитувчиси**

Дарҳақиқат, адвокат ким? Унинг фаолияти нимадан иборат? Бу саволларга Конституциямиздан аниқ жавоб топиш мумкин. Жумладан, бош Қомусимизнинг 116-моддасида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш ва адвокатлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида шундай дейилган:

**"Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.**

**Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади".**

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, адвокатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш борасида Конституцияга асосан бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. **"Адвокатура тўғрисида"ги (1996 йил 27 декабр), "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги (1998 йил 25 декабр) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси адвокатлар ассоциациясининг "Адвокатлар касб этикаси қоидалари тўғрисида"**ги меъёрий ҳужжат ва жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, оила, меҳнат кодекслари шулар жумласидандир.

Бу қонун ва меъёрий ҳужжатлар адвокатлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан йўлга қўйишни таъминлайди.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, адвокат ким, у ҳимоячидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади. Унинг вазифалари ва ҳуқуқлари нималардан иборат?

Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекитон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 49-моддасидан 53-моддасигача бўлган қоидаларда аниқ ифодаланган.

Ҳимоячи ўз навбатида гумон қилинувчи; айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир (ЖПК 49-модда 1-қисм).

Ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар ҳам қатнашадилар.

Ҳимоячи — адвокатни, касаба уюшма вакилини, шунингдек, ушбу моддада кўрсатиб ўтилган бошқа шахсларни ўз ичига олувчи тушунчадир.

"Адвокат" эса бир оз торроқ тушунча: у профессионал ҳимоячидир ва у адвокатлар ҳайъатининг аъзосидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик фирма ва бюролар ташкил қилиниб, унда тажрибали адвокатлар фаолият олиб бора бошладилар.

1996 йилда қабул қилинган **"Адвокатлар тўғрисида"**ги Қонун ўз навбатида уларнинг фаолиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқдаки, ушбу қонуннинг 3-моддасида адвокат ким эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Унга асосан, **"Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон республикасининг фуқароси Ўзбекистон республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малакали имтиҳон топшириши шарт".**

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилади.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат ўз ҳуқуқлари, вазифаларини бажариш вақтида ўзининг касбий этика қоидаларга риоя қилиши лозим ва шартдир.

Унга асосан адвокатлар касб этикаси қоидалари бу — адвокатлар ўз касб вазифаларини адо этиш жараёнида уларнинг одоб-ахлоқи, мижоз ва ҳамкасблар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат, бошқарув ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларга қўйилган талаблардир.

Адвокат ўз фаолиятини юритишда касб этикасига риоя қилиши лозимдир. Бу эса ўз навбатида унинг фаолият олиб боришида муҳим омиллардан бири саналади.

Шуни айтиш жоизки, адвокат фаолият юритишдан олдин тегишли малака комиссиясининг олдида қасамёд қабул қилади.

Қасамёднинг аҳамияти шундаки, у адвокатнинг маъсулиятини оширади, уни ўз касбини виждонан бажаришга ундайди.

Адвокат ўз фаолиятини юритишда бир қатор ваколатларга эга эканлиги, ордер билан тасдиқланади. Адвокатларининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

— адвокат тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

— қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиши;

— ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланган ҳолда учрашувлар ўтказиши;

— ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиши;

— иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техник воситалардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиши;

— юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маслаҳат бериши;

— юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтаи назар билан ёндошмаслиги;

— ваколат берувчининг ўз ҳимоясидаги шахснинг нуқтаи назарига кўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Албатта, адвокат ўз фаолиятини қонунга асосланган ҳолда олиб боради.

**Мирмаҳмуд ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос**

## АДВОКАТ ҚАНДАЙ ЁЛЛАНАДИ?

Ҳаётда киши кутилмаган муаммоларга дуч келиши мумкин. Айтайлик, сиз адвокатнинг кўмагига эҳтиёж сездингиз. Хўш, адвокатни қандай ёллашни биласизми?

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49-моддасига асосан ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун дастлабки тергов ва суд тергови жараёнини барча босқичларида юқорида қайд этилган шахсларни талаби ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида бошқа шахслар томонидан ёлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасига асосан вояга етмаган, соқов, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши; судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши; жазо чораси одатда ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши; шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар; жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишлар; тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 50 моддасига асосан, адвокат хизматига ҳақ тўлашга қурби етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи судланувчини батамом ёки қисман ҳақ тўлашдан озод этишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 52 моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бу ҳолатда тергов ва суд ҳимоячини иштирокини таъминлаб, бу ҳақда баённома тузилиб, баённомага терговчи, ҳимоячи ва гумон қилинувчи, айбланувчи имзо чекади. Суд мажлиси баённомасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳимоячини иштироки мажбурий деб топилган ЎзР ЖПКнинг 51-моддасини 1-4 ва 18 бандларига оид ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш тергов ва суд учун мажбурий эмас.

Бундан ташқари ҳимоячидан воз кечилган ҳолда, тергов ва суд жараёнининг барча босқичида, яна ўша ҳимоячи ёки бошқа ҳимоячи хизматидан фойдаланишга тўсқинлик қилинмайди.

**Ҳусан ТУРСУНОВ, талаба**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Жамиятда ҳуқуқий демократик давлатни қарор топтириш, қонун устуворлиги ва адолатни ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлар фаолияти ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасига назар ташласак, бир қатор давлатларда юристлик, хусусан, адвокатлик жуда ҳам нуфузли, обрўли касб синалади. Бунинг боиси шундаки, мазкур давлатларда ҳар бир фуқаро шахсий адвокатига эга. Улар адвокатни ўзларининг яқин маслаҳатчиси, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўл кўрсатишга қодир ишончли вакил деб билишади. Албатта, ўзининг эртанги кунини ўйлаган жамият фуқароларининг қонуний манфаатларини ана шундай ишончли тарзда ҳимоя қилади. Бунинг ёрқин мисолини бугунги ҳаётимизда ҳам кўриш мумкин. Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд, адвокатура ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар юз кўрсатди. Энг муҳими, одамларнинг суд ҳокимиятига ишончи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида қилган "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" маърузасида "Биз адвокатура ишини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз" — дея айтган сўзлари замирида ҳам катта маъно-мазмун мужассам. Чунки етук, ўз соҳасини чукур биладиган, фидойи адвокат кадрларни тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини янада оширмасдан туриб, қонун устуворлиги, адолатни ўрнатиш мураккабдир.

Ҳозирда кўпчилик фуқароларнинг кўз ўнгида адвокат деганда, аввало, жиноий ишлар юзасидан ўтказиладиган суд жараёни намоён бўлади.

Ваҳоланки, адвокат нафақат жиноий ишлар, балки оммавий, маъмурий фуқаровий, хўжалик ишларида, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалаларда фуқароларнинг яқин маслаҳатчиси, ҳимоячиси саналади.

Шундан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, адвокат деганда жисмоний ва юридик шахсларнинг барча соҳадаги ҳуқуқ, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликлардан ҳимоя қилувчи вакил тушунилади. Адвокатнинг жамиятдаги ўрни бевосита унинг фаолият тури, ваколати ва ҳуқуқи билан чамбарчас боғликдир. Адвокатнинг фаолият тури эса қуйидагилардан иборат;

1) ҳуқуқий масалалар бўйича фуқароларга маслаҳатлар, тушунтиришлар бериш;

2) ҳуқуқий хусусиятдаги ариза, шикоят ва бошқа ҳужжатларни тузиш;

3) фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш;

4) Жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш.

Жиноят Процессуал Кодексининг 49-моддасида қайд этилганидек, ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Адвокат фаолияти одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, адвокатнинг асосий вазифаси жиноят содир қилишда гумон этилаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахсни ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиб, ўз ҳимоясидагига нисбатан оқлов ҳукмини чиқаришга эришиш, айбдорни ҳақли жазодан қутқариб қолиш эмас. Аксинча, одил судловни амалга оширишда адолатни қарор топтириш, шахсга нисбатан суд тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланишига йўл қўймаслик, жиноятга яраша адолатли жазо тайинлашга эришишдир.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, адвокатлик юксак, обрўли касб бўлиши билан бирга, ўта маъсулиятли соҳа ҳам демакдир. Чунки адвокат фаолияти бевосита инсон тақдири, ҳаёти билан боғлиқ кечади.

Шу билан бирга халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маданиятини янада шакллантиришда адвокатлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

## ЖАМИЯТДА АДВОКАТЛАРНИНГ ЎРНИ



**Умид ШОМУРОДОВ, тадқиқотчи**

Ҳуқуқий давлат барпо этиш суд-ҳуқуқ тизимини узлуксиз ислоҳ қилиб боришни, жамиятда суд ҳокимиятининг конституциявий мустақиллигини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни янада эркинлаштиришни тақозо этади. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда жуда кўп ташкилий қонунчилик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Энг муҳим ютуқ — суд тизими ҳуқуқий базасининг яратилганида, суд — ҳуқуқ соҳасини инсонпарварлаштириш билан боғлиқ ишларнинг бошлаб юборилганида бўлди. Жамиятда конституция ва қонун устунлиги таъминланди. Адолат, қонун тантанаси давлат сиёсатининг бош йўналишига айланди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларини чуқурлаштириш, суд тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик ишлари ва жиноят ишларини кўриб чиқувчи тизимларнинг юзага келгани, одил судловни амалга оширишда адвокатура институтининг аҳамиятини ошириш, унинг мақомини прокуратура мақоми даражасига кўтариш билан боғлиқ ташаббуслар, шубҳасиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, адвокат суд жараёнида судланувчининг ёхуд муайян юридик шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосида суднинг ҳаққоний ва одиллигини таъминловчи томон ҳисобланади. Ўзбекистонда адвокатура фаолияти, адвокатлик мақоми ва функциялари юқорида эслатилган махсус иккита қонун асосида амалга оширилмоқда. Улар моҳиятида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, одил судловни амалга оширишда адвокатура ва адвокатларнинг ваколатлари тўла белгилаб берилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимизнинг ташаббуслари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада Адвокатура низомига алоҳида эътибор қаратилган. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда адвокатлик фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки адвокат қанча билимдон, ҳуқуқий жиҳатдан етук, ўз касбининг устаси бўлсагина, одил судловни амалга оширишда ўзининг катта ҳиссасини қўша олади. Бизнингча, келажакда ҳар бир ойланинг адвокати бўлиши керак. Ушбу мақсадларга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, яъни адвокатура мустақиллигини таъминлайдиган ва адвокат ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунлар қаторида бир нечта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда адвокатлар мақомини ошириш бевосита уларнинг малакавий савиясини янада ошириш, адвокатлар сонини кўпайтириш билан бевосита боғлиқ. Ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, адлия вазирлигида етук ҳуқуқшунос мутахассисларга танлов асосида адвокатлик фаолияти билан махсус шуғулланишга имкон берувчи шаҳодатномалар (адвокатлик лицензиялари) берилмоқда. Айни пайтда адвокатларнинг қонуний ҳимояси, муҳофазаси билан боғлиқ ишлар ҳам амалга оширилаётир.

Ҳозир давлатимизда адвокатура тизимини кенгайтириш учун сезиларли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Яна айтишимиз жоизки, келажакда ҳар бир фуқаро, оила, ташкилот, шубҳасиз, ўз адвокатига эга бўлиши керак. Ана шунда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ мақсадларга эришиш имкони янада кенгаяди.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ, қорақалпоқ ёзувчиси**

## КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ

Гапни кечаги кундан бошлайдиган бўлсак, адвокатнинг қиёфаси бизнинг тасаввуримизга ҳинд фильмлари орқали кириб келган, десак, асло хато бўлмайди. Шўро замонида очиқ киносеансларда "Жаноб 420" сингари фильмларни кўз ёшларини артиб кўриб ўтирган аёллар ҳали кўз ўнгимизда. Айниқса, суд жараёнида воқеанинг ипидан игнасигача тизиб, ноҳақдан жабрланаётган жафокашнинг тарафини олиб, аниқ далилларни жўшқин руҳда гапирган адвокат тимсоли хотирамизда қаттиқ муҳрланиб қолган эди.

Лекин шўро замонида қизил комиссарлар у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган биронта фильмда адвокат кўзга ташланмайди.

Нега?

Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Энг аввало, шўро тузуми учун адвокат аҳамиятсиз бир киши саналар эди. Ҳаётда эса суд жараёни иштирокчилари: судья, прокурор, маслаҳатчи, адвокат, қисқача айтганда, чўнтагида қизил чиптага эга одамлар бир тараф, жиноятчи ва жафокаш эса бошқа бир тараф эди. Қизил чиптали одамларнинг мақсади битта бўлганлигидан қонунлар ҳам шунга яраша, қаёққа тортса, ўша тарафга чўзилиб кетаверарди. Бинобарин, кўпчилик суд жараёнлари маълум бир инсон тақдирини ҳал этишдан кўра, ҳали судланиб улгурмаганларнинг кўзини қўрқитиш учун ўткизилар эди, шекилли. Эҳтимол, шунинг учун халқ орасида қонунни айланиб ўтса ҳам бўлади, деган иқтъеҳзоли иборалар пайдо бўлганди.

Хўш, аслида адвокат ким? Бу тўғрида оддий одамлар қандай фикрга эга?

Мен шундай савол билан ўзим яхши танийдиган одамларга мурожаат этиб, қуйидаги жавобларни олдим:

Райим ота (74-ёшда): — Оталаримиз нақл қилган афсоналарда айтилишича, одам боласининг туғилгандан бошлаб, то умрининг сўнгги дамигача икки елкасида оқловчи ва қораловчи фаришталар ўтириб, унинг яхши ва ёмон ишларини ёзиб борармиш. Яхши ишни оқловчи фаришта, ёмон ишини эса қораловчи фаришта ёзаркан. Қиёмат кунида — сўроқ пайтида одам ўша фаришталарнинг ёзганига қараб, жаннатга ё дўзахга тушар экан... Мен адвокатни ана шу афсонадаги оқловчи фаришталга ўхшатаман.

Давлатбой (43-ёшда, суҳандон): — Адвокат, демак, бу жиноятчининг суддаги ҳимоячиси. У жиноят қанча оғир бўлмасин, унинг жазосини енгиллаштиришга ёрдам бериши керак.

— Бирон кимса оғир жиноят содир этган бўлса, уни оқлаш шартмикин?

— Шарт-да. Чунки жиноятчи ҳам одам, унинг ҳам бола-чақаси бор...

Бахт (талаба, 21 ёшда): — Қонун устивор бўлган демократик жамиятда адвокатнинг ўрни алоҳида бўлиши керак, деб ўйлайман. Масалан, ҳақ гап билан тўҳматни ажратишда аввалари фақат бир томонлама фикр мавжуд эди. Адвокат иштироки билан муқобил фикр пайдо бўлади. Ёки айтайлик, тўҳматга қолган одам нечоғлик ҳақ бўлмасин, "мен ҳақман!" — деб аюҳаннос солгани билан ҳақлиги ишончли исботлар билан далилланмас экан, унинг сўзларига ишониш қийин бўлади. Адвокатнинг зиммасидаги масъулият ана шу жараёнда яққол кўзга ташланади. У ўзининг билими, зийрак ва ҳушёрлиги билан суд ишида адолат тўла тантана қилишини таъминлаши керак.

Ожар опа (тадбиркор): — Яқинда бир танишимнинг гапи билан адвокатлар идорасига боргандим. Қўшнимиз бир йилдан буён 15 минг сўм қарзини бермай келаётганди. Шуни суд орқали ундираман, деган фикрда адвокатга учрашдим.

Адвокат менинг гапларимни эшитиб туриб, шундай деди:

— Хўп, майли, ишингизни кўриб чиқамиз, лекин сиз аввало кассамизга 20 минг сўм пул тўлайсиз ва биз ишни бошлаймиз.

— Сиз менинг қарзимни ундириб бера оласиз-ми? — деб сўрадим ундан.

— Буни суд ҳал қилади, — деди у.

— Э, бор-а, 15 минг сўмлик даъво деб, адвокатга 20 минг сўм тўласам, бунинг устига ҳали суд харажатлари бор ... Буёғи неча пулга тушади?! — деб қарзини узмаган қўшнимни худога топшириб қўя қолдим...

Шу ўринда яна шуни айтиш керакки, шўро замонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти қўрқитиш ва зўравонликка асосланган эди. Оддий одамлар гарчи, ҳақ бўлса-да, милиция ёки судга иши тушиб қолишдан чўчиб яшашарди. Мана шундай қўрқув ҳукмрон бўлган жойда табиийки, адвокат фаолияти барҳам топади. Аниқроқ айтганда, бугун айрим одамлар тасаввуридаги нотўғри қараш, баъзан ишончсизлик ана шу шўро замонидан қолган иллат десак, хато бўлмайди.

Шукрки, Ватанимиз Мустақиллиги ана шундай иллатларга тўла барҳам бермоқда. Бу фикримнинг исботи тариқасида мустақиллик йилларида биргина ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни келтириб ўтиш ўринлидир.

**Саҳифани Акбар ЖОНУЗОҚОВ ва Шерали НИШОНОВлар тайёрлади**

# БАХТИНГИЗНИ ИЗЛАГАНМИСИЗ?

***Оила — жамият таянчи***

Турмуш йўллари пасту баландликлардан иборат. Баъзан бировларнинг турмушига ҳавас қилсанг, яна бировларнинг ҳаётидан ҳазар этасан киши. Ишдаги озми-кўпми тажрибаларга асосланиб, қўйди-чиқдиларсиз ҳаётни меъёрида ва ўз ўзанида оқаётган дарёга қиёслагим келади. Сирасини айтганда, туманимизда жорий йилнинг дастлабки чорагида қайд этилган ҳолатни ФҲДЁ ходими сифатида кўпдан буён орзу қилардим. Гап шундаки, 110 мингдан кўп аҳоли яшаётган туманимизда ана шу давр мобайнида оилавий ажралишлар қайд этилмади.

Турмуши бузилганларнинг кўпини кўрганман. Ажралишдан сўнг дилида илиқлик ва бахтиёрлик туйғуларини туйганларни шу пайтгача учратмадик. Аксинча, ҳар гал можаролашаётган томонлар ўртасидаги ора йўлда қолиб, тирик етимликка мубтало этилган, бўзлаб йиғлаётган беайб, норасида гўдаклару талаш бўлаётган мол-мулк, бузиб вайронага айлантирилаётган иморатларга дуч келганмиз. Демакки, ажралишлар бор жойда бузғунчилик, муросаю мадора мавжуд масканда эса қуришяратиш, бахт ва бахтиёрлик ҳолатларини кўрамиз. Тўғри, иноқ турмушга элтувчи йўллар ҳамиша ҳам кенг ва равон эмас. Аксарият ҳолларда унга пасту баландликлар, турли тўсиқлару тубсиз жарликлар орқали етишилади. Бу эса эр ва хотин учун ҳам, улар ортидаги томонлар учун ҳам катта ҳаёт синови демак.

Йилнинг дастлабки уч ойида туманимизда янгидан 191 та оила таркиб топди, 684 нафар фарзанд туғилди. Шукрлар бўлсинки, ўлим ҳолатлари туғилишга қараганда, қарийб 6 баравар кам қайд этилди. Бу манзарадан кўнгилда қаноат ва шукроналик туйғулари пайдо бўлади. Аммо ҳаёт барибир бир текис кечмайди; гоҳо тўлқинланиб оқса, гоҳо тинч ва сокин ҳаракатланади, гоҳида қуюшқонидан чиқиб, қирғоқларини емиради, чор-атрофга хавф солади. Биз, айнан, ўша кейинги манзарадан кўпроқ хавотир оламиз.

Хўш, оилалар осойишталигию барқарорлигини қай чоралар баробарида мустаҳкамламоқ мумкин?

Бизнингча, бу мақсадга эришмоқнинг бирдан-бир йўли оилавий муносабатларда иштирок этувчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари, мавжуд қонунчилик талаблари, инсоний фазилат намуналарини англаб олиш ва унга изчил амал қилиш борасидаги салоҳияти ҳамда саъй-ҳаракатларидан иборат. Аммо бундай фаоллик ўз-ўзидан юзага келмайди. Уни ўргатмоқ ва ўрганмоқ керак.

Умуман, турмушнинг долзарб муаммолари нималардан иборат ва у қай тарзда ечим топади? Аҳоли билан мулоқотларда шу ва шу каби саволларга тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қилинди.

Қонунчилигимизда она ва бола манфаатларининг давлат томонидан назорат қилиниши — аёллар саломатлиги ва меҳнат шароитини яхшилаш чоралари, имтиёз турлари кўзда тутилган. Айни пайтда фарзанд тарбиясида ота-онанинг бурч ва мажбуриятлари ҳам мужассам. Қонунга кўра, улар болаларини тарбиялаш, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш ҳамда меҳнатга тайёрлашга мажбурдирлар. Ота ва онанинг бу борадаги бурч ва мажбуриятлари мамлакат Конституциясида акс этган. Баъзан ота-оналардан фарзандларининг ножўя ишлари ҳақида изоҳ сўралганда, "фалон вазифада ишлаймиз" ёки "иш билан жудаям бандмиз, шу боис бола тарбиясига вақт қаёқ-да" қабилидаги баҳоналарни эшитасиз. Қонун эса бунга бошқача баҳо беради. Ота-онанинг иш билан ўта бандлиги уларни фарзанд тарбиясидан озод этмайди.

Мамлакат қонунларида оилавий муносабатларда аёл билан эрнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари баравар кўзда тутилган. Бу масала низоли ҳолатларда қонун таъсирида ечим топади. Гарчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда қатъий тартибда белгиланмаган бўлсада, фарзанд тарбияси кўпинча аёл зиммасига юклатилади. "Оила Кодекси"да бола тарбиясида эр ва хотин бир хил ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларга эга эканлиги кўрсатилган. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига хилоф тарзда амалга оширилиши мумкин эмаслиги ҳам қонунда равшан қилиб ёзилган. Болалар ҳуқуқи уларнинг бахтиёр ёшлигини кўзда тутади. Ота-оналар буни эсдан чиқармасликлари зарур.

Бола тарбияси давлатнинг ҳам муҳим вазифаларидан биридир. Давлат ўз зиммасидаги бу мажбуриятни таълим-тарбияни уюштириш, оилалар равнақига йўл очиш асосида адо этади. Давлат айни пайтда оталик ёки оналик мажбуриятларини адо этмаган фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, уларни муайян ҳуқуқларидан маҳрум этиш ваколатини ҳам ўзида сақлайди. Турли сабабларга кўра ҳам ота, ҳам она тарбиясидан маҳрум бўлганлар эса беэътибор қолиб кетишмайди. Давлат уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланишини таъминлайди. Қонун оталик ва оналик ҳуқуқи қайта тикланишини ҳам кўзда тутади. Бу тадбир бола тарбиясига монелик қиладиган ҳоллар барҳам топганидан сўнг амалга оширилади.

Оилада ажралиш рўй берганида бола кимнинг тарбиясида қолиши ота-онанинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Башарти бунинг имкони топилмаса, масала суд ҳукмига ҳавола этилади. Ота ёки она тарбиясида қолган фарзандларнинг бошқа яқин қариндошлари билан учрашиб туриши масаласини эса (мабодо бунга болани тарбиялаётган тараф қаршилик қилса) васийлик ва ҳомийлик ташкилоти ҳал этади. "Оила Кодекси"нинг 77-моддасида мазкур масаланинг ҳуқуқий ечими ўз ифодасини топган. Шуни ҳам эътибордан соқит этмаслик зарурки, баъзан боланинг ўзга қариндошлари билан учрашиб туриши айрим салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунда васийлик ва ҳомийлик органи манфаатдор томонларнинг бола билан учрашувини тўхтатиб туради. Бу борадаги низолар эса судда ҳал этилади.

Ота ва онанинг ўз фарзандига бўлган тенг ҳуқуқи ва мажбуриятлари никоҳ бекор қилинганидан сўнг ҳам сақланиб қолишини унутмаслик даркор. Фарзандни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ана шу ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлар доирасига киради.

Қонун ҳужжатларида ота-онанинг ўгина эмас, балки вояга етган, мустақил ҳаёт кечириш имконига эга бўлган фарзандларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам баён этилган. Бунга кўра, улар ота-она ёки ўзини тарбиялаган тарафнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришлари зарур бўлади. Бундан бош тортиладиган ҳолларга ҳам қонун ўз баҳосини беради.

Йилнинг ўтган чораги мобайнида туманимиз бўйича икки марта фарзандликка олиш, 30 марта оталикни белгилаш ҳолати амалга оширилди. Бу билан фарзандлар тарбиясига монелик қиладиган ҳолатлар ана шунчага камайди. Кўраяпсизки, мустақил юртимизда ғамхўрлик, мадад, мурувват ва меҳр-оқибатдан ҳамма фарзандлар баҳраманд. Уларнинг ҳар томонлама баркамоллиги учун талаб этиладиган барча ҳолатлар Конституциямизда, "Оила Кодекси" ва бошқа ҳуқуқий ҳамда меъёрий ҳужжатларда аксини топган. Мазкур ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларни уққан, ўқиган ва амал қилганлар ҳеч маҳал ора йўлда қолишмайди, манфаат ва орзу-ҳаваслар дунёсидан четда қолишмайди, бировлардан панд ейишмайди, бировларга панд беришни ҳам ўзларига эп кўришмайди.

Оила-турмуш оламига бефарқ қарамайдиганлар ҳаётини шу янглиғ рўшноликлар умр бўйи турли нохушлигу кўнгилсизликлардан асраб туради. Ҳа, чинданам бахт — излаганники, унга интилганники.

**Замира РАЖАБОВА,**
**Қўшкўпир тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

# ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН ЮРАК

***ёки она қандай қилиб ўз фарзанди қотилига айлангани хусусида***

"Ҳамма бахтли оилалар бир-бирларига ўхшайдилар. Барча бахтсиз оилалар эса ўзларича бахтсиздир". Улуғ ёзувчининг машҳур асари нега айнан шундай сўзлар билан бошланади? Ундаги бир оиланинг инқирозга юз тутиши сабаби нима эди? Қисқа қилиб айтсак, "ашаддий ишқибозлик". Демак, "ашаддий"лик ҳам бахтсизликка доя бўлиши мумкин экан. Машҳур асар қаҳрамони ўзга кишига бўлган ашаддий муҳаббати туфайли бахтсизликка дучор бўлган бўлса, бизнинг қаҳрамонимиз бойликка бўлган ашаддийлиги сабаб балога йўлиқди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Пайшанба қўрғонида яшовчи Дилдора Файзиева асли шарафли касб эгаси эди. У ўрта мактабда ёш авлодга жисмоний тарбия фанидан таълим берарди. Бир куни машғулот жараёнида у хаёлига тўсатдан келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди: "Яхши яшайман деган бугунги кун кишисининг ризқи бозорда. Мен ҳам бозорга чиқсам... қандай бўларкин?.." Хаёлига келган фикрдан Дилдора шод эди-ю, аммо кўнглининг аллақаери бунга қаршилик қилаётганини сезиб, иккилана бошлади. Лекин, барибир, иштиёқ иккиланишдан устун келди. У мактабдаги ишига қўл силтади-ю, таниш-билишларидан фоиз ҳисобига қайтариб бериш шарти билан катта қарз кўтарди. Бозорга чиқиб, тилла тақинчоқлар сотиб олди ва устига нарх қўйиб сотишни бошлади. Бу пайтда ҳар бир соҳанинг ўз йўл-йўриғи, паст-баланди бўлишини у хаёлига ҳам келтирмасди. Худди ана шу "унутган"и Дилдорага панд бера бошлади. Шу аснода халқимизнинг аллақачон чиғириқдан ўтказилган "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган мақоли хаёлини чизиб ўтди ҳам.

Хуллас... бу борада унинг иши юришмади, бозори касод бўлди. Буёқда олинган қарзнинг фоизи ҳам ўсиб бораверди. Олинган қарзларни қайтариш муҳлати етгач, унинг эшигини қоқувчилар кўпая бошлади. Дастлаб танишларини "эрта, индин" дея турли важу баҳоналар билан алдаган Дилдора катта фоиз ҳисобига олган қарзларини уза олмаслигига кўзи етгач, мудҳиш ишга қўл урди. Кўзларига қисқа вақт гўзал ва эндиликда қоронғи кўрина бошлаган ҳаёт унга бундан буён керак эмасдек туюлди. У ўз уйида ўйнаб ўтирган якка-ёлғиз фарзанди олти ёшли Санжарбекнинг қорнига пичоқ уриб ўлдириб, сўнгра ўзининг жонига қасд қилаётган маҳалда турмуш ўртоғи ва онаси келиб қолиб, уни зудлик билан касалхонага олиб боришди. Тиббий ёрдам туфайли қотил она омон қолди.

Меъёридан ошган ишқибозлик Дилдора Файзиевани халқ олдидаги обрўси, оналик меҳри ва, энг муҳими, фарзанддан жудо қилди. Унинг бу ҳаракатидан ўқитувчи деган ном қадрсизланиб қолмайди, Она деган ном изза бўлмайди. Чунки бу номларни шарафловчи, улуғловчилар юртимизда минглаб, миллионлаб мавжуд. Аксинча, қотил онанинг йигирма тўрт ёшида виждони изза, номи қадрсиз.

Жиноят жазосиз қолмайди, албатта. Хулосамизни яна улуғларимизнинг фикри билан якунлашни жоиз билдик: "Бу дунёда ҳамма бахтли бўлишга ҳақлидир. Мабодо, кимдир бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор".

**Ҳ.ҲАСАНОВ,**
**Каттақўрғон туман прокурори**

## Тавба!

Кўнгил қурғур нималарни истамайди. Лекин дунёда биргина муқаддас ип—оила эр-хотин, бола-чақани бир-бири билан боғлаб туради. Ана шу ип ногаҳон узилдими, оилага дарз кетади, жамиятда тирик етимлар сони кўпаяди. Бундан давлат ҳам, жамият ҳам баб-баравар зарар кўради.

Яқинда фуқаролик ишлари судида кўрилган бир иш баъзиларнинг кулгисини қистатган бўлса, айримларнинг энсасини қотирди, кўпчиликнинг газабини келтирди. Халқимиз миллий табиатига мутлақо ёт бу воқеани қаламга олиш оғир, фарзандларни ўйлаб истиҳола қиласан, киши. Аммо саккиз фарзанди бўла туриб ошиқ-маъшуқаликни кўнгли тусаган аёлнинг қилмишларидан ёқа ушламай иложимиз йўқ. Рўй берган ҳол яна бошқаларда такрорланмасин учун "қаҳрамон"ларимизнинг исмларини ўзгартириб келтирдик.

Мансур билан Чинсулув йигирма бир йил муқаддам катта орзу-ҳаваслар билан бир ёстиққа бош қўйишган. Ўрталарида саккиз фарзанд — 5 ўғил, 3 нафар қизлари бор. Тўнғич ўғил йигирмада, кенжа қизи тўрт ёшда. Қарангки, шунча йилдан сўнг зилол сув лойқаланди. Халқимизнинг "Сув бир лойқаланмасин, тиниши қийин", дегани шу бўлса керак-ки, кейинги вақтларда Чинсулув қилдан қийиқ ахтариб, хонадонда нотинчлик келтириб чиқара бошлайди. Эрини одам ўрнида кўрмай қўяди. Оқибатда уйидан лом-мим демасдан чиқиб кетиб, дом-даракси йўқолади.

Ҳаммаси кейинчалик маълум бўлди. Чинсулув қўшни Хатирчи туманида яшовчи 73 ёшли беш фарзандни уйлижойли қилган Номоз Бобоназаров деган одам билан қонунсиз эр-хотин бўлиб яшаб юрган экан. Жабрдийда эр фуқаролик ишлари судига вафосиз хотини иккиси ўртасидаги никоҳни бекор қилишни сўраб, даъво аризаси берди.

— Тан оламан, — дейди Чинсулув судда. — Уйдагиларни ташлаб кетдим. Кўзимга бола-чақа, уй-жой кўринмайди. Мен бундан буён Номоз Бобоназаров билан яшашни хоҳлайман...

Кекса "ошиқ" эса 38 ёшли маъшуқасининг гапини маъқуллайди. Усиз яшай олмаслигини айтади. Лекин Мансур бевафо хотининг ўта беандишалигидан қанчалик азият чекмасин, барибир, фарзандларининг кўз ёшларига чидай олмади. Судда болалар ҳурмати яна Чинсулув билан яшашга розилик берди. Суд уч ойга ярашиш муддати белгилаб қарор чиқарди.

"Кўнгил нени истамас, душман не деб қистамас". Буюк шоир бобомиз Бобуршоҳнинг ҳикматга айланган бу сўзлари нақадар ҳаклигини яна бир бор кўриб турибмиз. Чинсулув кўнглига эрк берган маҳали фарзандларини ўйламадимикан? Бизнинг ниятимиз бу оиладаги "қушлар" "уяси"да кўрганини қилмасинлар. Улар ота-онамиз зинҳор ажралишмасинлар, дея йиғлашди ҳам. Йиғладими, демак, қалбларида меҳр бор. Негаки, меҳрсиз киши йиғлай олмайди. Аммо, синган кўнгил ойнаси қай даражада тиклана оларкин? Бу энди Мансур билан Чинсулувнинг кейинги ҳаётига боғлиқ.

Фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари ва у ердаги фаолларнинг бундай хунук "манзара"га томошабин бўлиб туришганини ҳам оқлаб бўлмайди. Маҳалла қўмиталари фаолиятига шу маҳаллада яшовчиларнинг қанчалик тинч, аҳил яшашига қараб, қўйди-чиқдиларга холис баҳо бериш вақти аллақачон етган. Зеро, ҳар бир оила маҳалла қўмитаси эътиборида туриши лозим. Шундагина жамиятга заҳмат етишининг олди олинган бўлади. Ахир, касални даволашдан унинг олдини олган маъқул-ку!

**Баҳодир ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**Каттақўрғон туманлараро фуқаролик ишлари суди судьяси**

*БЕРСАНГ... ҚЎНГИЛГА ЭРК БЕРСАНГ*

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Ўқитувчи:***
***— Қайси кимёвий модда ихтиро қилингач, дунёдаги аҳвол кескин ўзгариб кетди?***
***Ўқувчи:***
***— Аёллар сочини бўяйдиган бўёқ...***

***

***Беш ёшли бола кўчада йўловчилардан йиғлаб сўраяпти:***
***— Менга ўхшаган кичкина бола етаклаган бир аёлни кўрмадингизми?***

***

***Ўғлим папирос чекмагин, соғлиққа зарар, — деди онаси.***
***— Буни дадам биладиларми? — сўради бола.***

***

***Бола мактабдан келиб дуо қила бошлади.***
***— Эй, Худойим! Туркияни Ливаннинг маркази қилиб қўйгин...***
***Онаси ҳайрон бўлиб сўради:***
***— Бу нима деганинг?***
***— Имтиҳон қоғозига Туркияни Ливаннинг маркази деб ёзиб юборибман!***

***Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!***

# ОЙТЎТИНИ ТУТГАН ОҲЛАР

***ёки ҳалол-ҳаромни фарқламаган аёл қисмати***

Одам боласига ҳаёт бир марта берилади. У келмоқ ва кетмоқ дея аталмиш икки эшик оралиғида кечадиган умри давомида яшаш фароғати билан бирга унинг заҳмати, машаққатли синовларини ҳам бошдан ўтказади. "Эҳ, қани эди, ёшлигим яна бир қайтиб келса" деб хўрсиниб қўядиган кексаларни кўп учратамиз. Бу хўрсиниқ замирида умр йўлларида йўл қўйилган хатолар, билиб-билмай қилинган гуноҳлар, армонга айланган беғубор орзулар таназзули мужассамдек. Хўш, ўтган умрнинг бесамар кетмаганлиги, кексайганда ортингда қолган ҳаётнинг мазмуни билан дилинг чароғон бўлиб турмоғи нималарга боғлиқ?

Фаришдек бўлиб қолган қарияларимиз бу саволга "ҳалол ва ҳаромни фарқлаб яшашда, бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлишда", дея жавоб беришади. Олиму уламолар, фозилу донишмандлар бундай саодатга эришмоқ калити илмдадир, дейишади. Илм ва ҳаёт сўқмоқларида кезмоқ осонми? Бу йўлларда ҳам турфа сиру синоатларга бой машаққатлар бор. Қувончли томони шундаки, илм истаб чекилган заҳматлар оқибатда инсонни ҳалол билан ҳаромни, яхшилик билан ёмонликни фарқловчи, машаққатларга бардош бера олувчи комиллик пиллапояларига етаклайди.

Комиллик сари интилмайдиган, илмга "нима кераги бор" дея қўл силкийдиган, ўз нафсини ҳар қандай фазилатлардан устун ҳисоблайдиган одамларнинг ҳулқсизлик, оқибатсизлик, тайинсизлик, ҳаёсизлик, онгсизлик каби офатлар ботқоғи сари одимлаши осон бўлар экан. Қилмишлари ойдай юзига доғ бўлиб тушган хоразмлик Ойтўтининг содир этган фирибгарликлари ана шу фикрнинг исботидир.

### Паспорт кимники?

1955 йилда туғилган Ойтўти Бобожонова Хоразм вилояти, Урганч шаҳар суди томонидан 1993 йил 3 март куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 129-136-моддалари билан айбланиб, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. 1994 йил 14 декабр куни амнистия актига асосан жазодан озод бўлган.

Жазодан ҳам, ўзига кўрсатилган меҳр-мурувватдан ҳам тўғри хулоса чиқармаган, шукрона қилмаган Ойтўти мўмайгина бойлик орттиришга ружу қўйиб, фирибгарлик йўлини ихтиёр этади.

Отабек исмли шахс билан жиноий тил бириктириб О.Бобожонова фирибгарлик йўли билан фуқаро Г.Шарипованинг паспортини қўлга киритади ва уни қалбакилаштириб олади. Шунингдек, у Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани ИИБ хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлимидан Бобожонова Ойбиби Норметовна номига берилган қалбаки паспортдан ҳам фойдаланиб келган.

Оила қуриб ажрашган ва ҳозирда қарамоғида бир нафар фарзанди бўлган Ойтўти бу тўғрида шундай кўргазма берди:

"... 1998 йилнинг август ойи эди. Урганч шаҳридаги хонадонлардан бирига кириб, уй эгаларидан телефон қилиб олишга рухсат сўрадим. Улар рози бўлишди. Телефонда гаплашиб бўлгач, хонадон эгалари билан суҳбатлашдим. Улар машина сотиб олмоқчи экан. Ҳокимиятда танишим бор десам, қизлари Гулчеҳранинг паспортини беришди ва биргаликда ҳокимият биносига келдик. "Сизлар кўчада туринглар, мен гаплашиб чиқаман" дедим. Уй эгаси "бармоқларингизда узук йўқ экан, меникини тақиб киринг, кейин берарсиз" дея бармоғимга тилла узугини тақиб қўйди. Ичкарида бир неча соат қолиб кетдим. Кўчага чиққанимда улар кетиб қолган экан. Шундай қилиб, Гулчеҳранинг яшаш жойи меникига айланди. Қалбаки паспортларим ёрдамида Россиянинг Уфа шаҳрига кўп бора бориб келдим".

### Алданиб қолган ёмон...

Нафснинг комига тушган Ойтўтининг қадами етган жойда алғов-далғов бошланарди. Мана, улардан бир нечаси билан танишинг:

1998 йилнинг 4 февралида Тошкент шаҳар, Яккасарой туманининг Дамариқ кўчасидаги 35-хонадонга ташриф буюрган Ойтўти шу уйда яшовчи Илҳом Умаровга Хоразмдан арзон қўй олиб келиш шарти билан 30.000 сўм, Лутфулло Исаевга арзон нархда 10 тонна гуруч олиб бериш учун 397.000 сўм пулни олиб, жуфтакни ростлайди.

2001 йил 3 март куни Чилонзор тумани, 12-даҳа, 4-уйнинг 18-хонадонида яшаб, "менга тегишли ушбу хонадонни сенга сотаман" дея Донагул Ермонованинг фуқаролик паспорти ҳамда 966 минг сўмлик пул ва заргарлик буюмларини олиб, кўздан ғойиб бўлади.

1998 йилнинг августида Урганч шаҳар, Фарғона кўчасидаги 18-уйга борган Ойтўти Зулфия Каримовага ногиронлар аравачаси ваъда қилиб, 85.000 сўм, Хива шаҳрининг Паҳлавон Маҳмуд номидаги кўчасида яшовчи Санобар Қурбонниёзованинг фуқаролик паспорти ва 250 минг сўм пулини "икки хонали квартира олиб бераман" дея олиб, "қўён" бўлади.

2000 йилнинг январ ва март ойларида Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 1-Тракторсозлар мавзесининг 42-уйи, 31-хонадони эгаси Зоя Аксаковага "арзон нархда банкдан АҚШ доллари олиб бераман" дея 308 минг сўм, Юнусобод тумани Марказ 4-даҳаси, 15-уй, 80-хонадонда бўлиб, "арзон нархда телевизор олиб бераман" дея 150 минг сўм пулни олиб, дом-даракси гум бўлади.

Шайхонтоҳур туманида яшовчи Қадам Нуриллаев ҳам Ойтўтининг "қармоғи"га илинади. У шундай ҳожатбарор аёлдан "зўр" уй сотиб олар эканман деб, унинг қўлига 3 миллион 300 минг сўм пул ва нархи 300 минг сўм турадиган тилла занжирини тутқазди.

2001 йилнинг апрел ойида Ойтўтига яна омад кулиб боқди. Акмал Икромов туманида яшовчи Гулхумор Тўхтасинова "арзон нархда 20 тонна ун олиб беринг", деб унинг қўлига 1 миллион 270 минг сўм пул ва 1 миллион 350 минг сўмлик тилла буюмларни топширади.

Орадан бир ой ўтиб, Ойтўтининг чеҳраси янада ёришиб кетди. Мирзо Улуғбек туманининг 2-Тракторсозлик мавзесида яшовчи Жумагул Туропова унга "Банкдаги танишингиз орқали арзон нархда АҚШ доллари олиб беринг", дея нақд 3 миллион 500 минг сўм пулни берди ва "мехрибон" опасини қайта топа олмай сарсон бўлади.

### Қўй оғзидан чўп олмагандек...

Яна икки "ов" хусусида Ойтўти шундай ҳикоя қилади:

"Бир гал Хоразмдан Тошкентга танишим Одилбекнинг машинасида келдим. Машинада унинг онаси Гулчеҳра ҳам бор эди. Одилбекдан икки кунда қайтараман, деб 30 минг сўм пул олдим. Эртасига ижарада турган уйимга она-бола келишди. Одилбек вақтинча яшаётган жойига кетди. Гулчеҳра эса мен билан қолди. Ўзи билан 2 миллион 500 минг сўм пул олиб келгани ва уни АҚШ долларига алмаштирмоқчилигини айтди. Шундан сўнг нархини билиб келиш учун бозорга кетди. Шу пайт ИИБ ходимлари келиб, "ижарада турганлар уйдан чиқиб кетсин" дейишди. Мен ўзимнинг нарсаларим ва Гулчеҳранинг 2 млн. 500 минг сўм пули турган сумкани олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдим..."

"... Шовот туманидаги озиқ-овқат базасида ишловчи танишим Қаландаровга қўнғироқ қилдим. Телефон гўшагини нотаниш одам кўтарди. Қаландаров ишдан бўшаб кетганини айтиб унда нима ишим борлигини сўради. Катта миқдорда гуруч олиб, Тошкент шаҳридаги бозорларда сотмоқчи эканлигимни билдирдим. Кўзивой ака "Гуручни ўзимиз ҳам тўғирлаб бераверамиз", дея менинг манзилимни ёзиб олди. Гап орасида у Тошкентдан арзонроқ нархда машина олмоқчилигини айтди. Мен тезда келинг, машинани ўзим олиб бераман, дедим.

Орадан чамаси ўн кунлар ўтиб Кўзивой ака бир таниши билан яшаб турган жойимга кириб келишди... Мен ундан 400 минг сўм пул ва ҳужжатларини олиб қолдим. Эртасига Кўзивой ака вақтинча яшаб турган жойидан менга қўнғироқ қилиб, иш нима бўлганини сўради. Мен ҳаракат қилаётганим, янгилик бўлса, ўзим хабар қилишимни айтдим ва шу куниёқ машина олиш масаласида Қашқадарёга кетишни режалаштирдим. Уй эгасининг пальтоси, бир дона тилла узуги ва оддий металлдан тайёрланган занжирини "сотиб оламан" деб олдим ва Қашқадарёга жўнаб кетдим. Машина олиш масаласи ҳал бўлмаганлиги учун у ёқда узоқ қолиб кетишга тўғри келди..."

### Сўнгги сўз ўрнида

Шайтон билан дўстлашган аёлнинг ўз сўзлари унинг фирибгарлик қиёфасини янада яққол кўрсатиб турибди, албатта. "Бир аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади" деган мақол балки шундайларга қарата айтилгандир? Шу ўринда қанчалик машаққат билан топган пулларини нақадар ишонувчанлик билан фирибгарга тутқазган одамларнинг соддадиллиги ҳам кишини ўйга толдиради. Ахир, ўғирликка шароит яратилган жойда унинг куни туғади-да. Қоларверса, олди-сотди масалаларида айримлар ҳамон қонуний йўл қолиб, ноқонуний йўлларни танлаётгани ҳам ажабланарлидир. Шунинг учун ҳам фирибгарни қўлга туширмоқ осон бўлмади. Унинг на аниқ манзили, на бирор ҳужжати йўқлиги ишни чувалаштиргандан чувалаштирди. Хайриятки, қилни қирқ ёришга қодир бўлган қонун посбонларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ойтўтига мўмай пулларию қимматбаҳо буюмларини топшираётганлар рўйхати тўхтаб қолди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди эса фирибгарнинг қилмишларига яраша суд ҳукмини эълон қилди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳаётимизнинг файзи, хонадонларимизнинг чароғонлиги аёлларимиз туфайлидир. Ойтўтига ўхшаган баъзи нодонлар қилмиши улар шаънига соя ташлолмайди. Лекин, ён-атрофимизда содир бўлаётган бундай воқеалар ҳар биримизни янада ҳушёр торттирмоғи, жамиятимизда қонун устуворлиги учун кураш олиб борилаётган айни даврда ойдаги доғдек кўнгилга ғашлик солувчи бебурдлик, юзсизлик, беҳаёлик иллатларига қарши курашишда собит қадам бўлмоғимиз лозим. Ахир, орамиздан чиққан фирибгарга алданиб қолаётганларни ҳам тўла-тўкис оқлаб бўлмайди. Ҳуқуқий саводсизлик, тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаш Ойтўти каби фирибгарларнинг тегирмонига сув қуяди. Бу омилни ҳар доим эсда тутиш зарур.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**"Инсон ва қонун" нинг махсус мухбири**

# ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙДИ

**Адолат ва эзгуликка умрини бахшида этган инсондан яхши ном ва ўчмас хотира қолади. Карим Тошпўлатов ана шундай инсон эди. Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Ғиждувон туманидаги жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган Карим Тошпўлатов 1973 йили Тошкент Давлат Университетининг (ҳозирги Миллий Университет) ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. Ҳуқуқшунос дипломини олган ёш мутахассис Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг тергов бўлимида иш бошлайди. Бу ерда беш йил фаолият юритгач, Бухоро шаҳар, Файзулла Хўжаев тумани Ички ишлар бўлимининг тергов бўлинмасини бошқаради. Сўнгра у Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасининг бош терговчиси, Когон шаҳар судининг судьяси, суд раиси, вилоят ҳокимлигининг давлат ҳуқуқ бўлимининг мудири, Андижон вилоят судининг раиси лавозимларида меҳнат қилди. 1999 йилдан буён Қашқадарё вилоят судининг раиси бўлиб ишлаб келаётган самимий ва изланувчан инсонни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди.**

**Карим Тошпўлатов қаерда ишламасин, ҳалол, билимдон ва ташаббускорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келди. У ўзининг иш фаолияти давомида кўрган ҳар бир жиноят иши, раёсат ва судлов ҳайъатларида кўрилган масалалар адолатли ҳал этилган. Шу боис у касбдошлари ўртасида алоҳида ҳурмат-эҳтиром қозонган эди.**

**Бундан ташқари, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам беришдан асло чарчамас эди. Ҳозирги пайтда ҳуқуқ-тартибот органларида фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб ёшлар Карим Тошпўлатовни ўзларига устоз деб билади. Қатъиятли раҳбар, фаол жамоатчи сифатида танилган Карим Тошпўлатов меҳрибон оила бошлиғи, ҳаётда эса садоқатли дўст, камтарин инсон эди.**

**Самимий ва ажойиб инсон Карим Тошпўлатов хотираси касбдошлари ҳамда дўстлари қалбида ҳамиша бир умр яшайди.**

*Бир гуруҳ дўстлари*

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Гайбулло РАҲИМОВ
Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3043. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.